

"YOSH KUCH"






ЁШ КУЧ

5/96

ҲОЗИРГИ ЁШЛАР
КАТТАЛАР ҲАҚИДА

АЁЛ
ОМОНАТДИР

САНЪАТ
ХАЛҚ УЧУНМИ?





**Ўзбекистон Республикаси Ёшлари
"Камолот" жамғармасининг
ижтимоий, адабий-бадиий
безакли ойномаси**

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади.
1996 - № 5 (105)

**Бош муҳаррир
Эркин АБДУРАҲМОНОВ**

Азиз САИД - бош муҳаррир ўринбосари
Гавҳар МИРЗАЕВА - масъул котиб
Бахтиёр ТЎРАЕВ - бош рассом

Таҳрир ҳайъати:

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Эркин МАЛИКОВ
Хайриддин МАЪСУДОВ
Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
Урфон ОТАЖОН
Қосим РАЗЗОҚОВ
Фарҳод РЎЗИЕВ
Сулмас СУЛТОНОВ
Худойберди ТЎХТАБОВЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Абдували ҚУТБИДДИН

Безакчи рассом Баҳриддин БОЗОРОВ
Фотосуратлар муаллифи Марат БОЛТАБОВЕВ

Компьютер устаси Нодир РАҲИМОВ

**Манзил: 700113, Тошкент - ЧГСП,
Қатортол кўчаси, 60**

Телефон: 78-13-64, 78-94-73.

*Ойномадан кўчириб босилганда "Ёш куч"дан
олингани изоҳланиши шарт.*

*12.08.96 йилда босишга рухсат этилди. Офсет
қоғози. Бичими 84×60 1/8. 3,36 шартли босма тобоқ.
Нашриёт босма тобоғи - 4,11, 12.000 нусха. 472
бўжуртма.*

Баҳоси - сотувда эркин нарҳда.

**"Шарқ" наشريёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк
Турон кўчаси, 41.**

Сўфийлар рўзаси
"Қайнона она бўлмас"
Кимга қанақа
Нега ўзингни ёқдинг,
Дилафрўз?
Журналистлик хавфли
касб

Саллада ҳикмат кўп
Ажрашмаган — номард



Аскарларимиз НАТО
ҳарбий машқларида
Директоримизни ишдан
олинг

Бойлик пул билан
ўлчанмайди

Ҳеч ким ўқимаган
китоб — Рауф Парфи
"Юзма-юз" билан
юзма-юз

Ҳижобдаги қизлар
А-А-А-А-А-А-А...

Олиб кетилган
бойликлар

"Ал-Вакил"нинг
маъноси нима?
Пичоқ тутган мезбон
Эркакларни асранг
Мени ҳеч ким

севмаган

Пул ўлсин, пул...

бўлсин

Бешик зарарлими?

Видеоқароқчилик



*Ойномамиз саҳифаларида ёритилган бу
мавзулар келгуси йил режаларимизда ҳам
янги шакл ва мазмунда ўз ифодасини
топади.*

*Йилда ўн икки марта нашр этилажак "Ёш
куч" журналига обуна бўлишни унутманг!*

АРМИЯГА КЕТЯПМАН

Хадемай кузги чақириқ бошланади. Армия. У нима ўзи? Умуман, ҳарбий хизмат қандай кечади? Унга қандай ҳозирлик кўрмоқ керак?

Шу каби саволларга Н-инчи ҳарбий қисмининг рота старшинаси И.Темирбоев жавоб беради:

--Ҳарбий хизмат бугунда ҳар бир йигит учун шунчаки "фуқаролик бурчи" эмас, балки мардлик, жасорат мактабидир. Мен оддий, барчага беш қўлдек тушунарли нарсалар ҳақида сўзлашни истардим. Гапни йигитларнинг жисмоний тайёргарлигидан бошлай қолай. Афсуски, бугунда хизматга келаётганларнинг кўпчилиги жисмоний жиҳатдан ниҳоятда заиф. Бизнинг давримизда йигитлар хийла бақувват, қорувли эдилар. Бунинг сабабларини иқтисодий қийинчиликлар ёки мушкул экологик вазиятга йўйиш, менимча, нотўғри. У пайтлар йигитлар ҳарбий хизматга жиддий ҳозирлик кўришарди, чунки бу уларнинг зиммаларидаги қарз экани, ундан асло бўйин товлаб бўлмаслигини яхши тушунишарди. Бўйин товлаш умуман бировнинг хаёлига келмасди. Бугун-чи? Кўпчиликнинг хаёлида нима қилиб бўлмасин хизматдан қутулиб қолиш. Ҳаттоки майиб, мажруҳ ёки ақлий жиҳатдан носоғ номини олиб бўлса ҳам. Уларнинг фикрича, ҳарбий хизматга сарфланган бир ярим йил-умрнинг зое кетган, беҳуда совурилган, "энг олтин палласи" эмиш. Мен бундай деб ўйламайман.

Ҳарбий хизмат катта ҳаёт остонасидаги ўсмирга жуда кўп нарса беради, уни чинакам эркак қилиб тарбиялайди, мардлик, дўстлик нима эканини англатади, масъулиятни англашни, мушкул пайтларда яқин кишига ёрдам қўлини чўзишни ўргатади. Ҳарбий хизматдан асло қўрқмаслик керак, унга болалиқдан ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳозирлик кўриб бормоқ зарур. Агар сиз турникда йигирма марта тортила олсангиз, полга юзтубан тиранган ҳолда ўттиз марта "жим" машқини бажара олсангиз, кроссга бемалол югуриш қўлингиздан келса, ишонаверинг — ҳарбийда сиз учун ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Ҳаттоки ўша, номини эшитиб қўрқитишган "дед"лар билан ҳам. Руҳан тетик, жисмонан бақувватларнинг ҳурмати ҳарбийда жуда ҳам баланд. Шу боис ҳарбий хизматдан қутулиб қолиш чорасини кидириб, вақтни беҳуда сарфлагунча, яхшиси, спорт билан шуғулланинг.

Яна бир нарсага алоҳида эътиборни қаратишингизни истардим. Чекиш, оз микдорда бўлсада, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳарбийда асло маъқулланмайди. Дейлик, кечкурун дўстларингиз билан отангиз юборган пулга "яримта"ни олиб, яширинча майдаладингиз. Тунда эса қисмини тревога билан оёққа турғизишди. Хўш, нима бўлади кейин? Агар ҳайдовчи бўлиб хизмат қилсангиз-чи, автомобил эмас, БМП ёки танкни бошқаришингиз лозим бўлса-чи?.. Шунинг учун мангки, ҳарбийдаги шикастланиш, жароҳат олиш ва ҳатто ўлим билан туговчи бахтсиз ҳолатларнинг аксарияти спиртли ичимликлар истеъмол қилиш оқибатида юз беради.

Сўзимнинг охирида шунини айтмоқчиман: қўрққанга қўш кўринади. Ҳаммаси сизнинг кайфиятингизга боғлиқ. Ҳарбий хизмат зиндон эмас, ҳеч кимнинг сизни зиндонбанд этиш нияти ҳам йўқ. Сиз худди ўзингиз кабилар даврасига йигитлик бурчингизни адо этгани чақирилмоқдасиз, холос. Шундай экан, улар орасида ўзингизнинг яхши хислатларингизни намоён этишдан асло тортинманг, қийинчиликлардан чўчиманг. Шунда ҳаммаси жойида бўлади.



Т. МУРОД ёзиб олди.



ЎТ ОЧИШ ЧИЗИҒИДА – ЯНГИ ЧАҚИРИЛГАНЛАР

Байроқча юқорига кўтарилади ва буйруқ янграйди:

— Биринчи бўлинма, ўт очиш чизигига, жангга!

Аскарлар белгиланган жойга югуриб келиб, ётган куйи автоматларини ўқлайдилар ва нишонни мўлжалга олиб кейинги буйруқни кутадилар. Янги чақирилганлар учун биринчи отиш машқи. Нафаслар ютилган, юраклар гупиллайди.

Взвод командири, лейтенант Ғайрат Арзиев машқни бажаришга шай аскарларни кўздан кечиради. Командирнинг синчков нигоҳи камчиликларни дарров илғайди: кимдир автоматни нотўғри тутган, кимдир қўлни ноқулай қўйган, кимдир... Хуллас, биринчи машқда камчиликлар бўлади.

Қуриган ўт–ўланлар орасидан нишонлар кўтарилиши билан янги буйруқ янграйди:

— Биринчи бўлинма, ўт оч!

Бирин-кетин нишонлар қулаши билан янги чақирилганларнинг ҳам, взвод командирининг ҳам юзида табассум пайдо бўлди. Муваффақият кейинги бўлинмаларни ҳам дадиллаштирди.

Ана шундай машқлар асосида янги чақирилганлар ҳақиқий аскар бўлиб шаклланишади...

Бахтиёр ХИДОЯТОВ



ХАТО ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛМАГАН

Сапёрлар бир марта хато қилсалар, ўша хато охиргиси ҳам бўлишини ҳамма билади. Оддий аскар Тандиекбой Турдимбетов хизмат қиладиган сапёрлар бўлинмасида эса бу ҳақиқатни аъло даражада англайдилар. Айниқса мина изловчи асбоблар, хавфсиз жойларни белгилайдиган оқ-қора тасмалар, ёнувчи шнурлар ва сапёрлик белкураклари билан қуролланиб жанговар ўқув топшириқларини бажариш учун инженерлик майдонига кириб боришганда хато қилишга ҳақлари йўқлигини уларга эслатишнинг ҳожати йўқ.

Берилган топшириққа қараб сапёрлар бўлинмаси турли ҳолатда ҳаракат қилишлари мумкин. Лекин доим пухта ишлаб чиқилган, ён-веридагиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракат дастури бўлади.

Ҳаракатларини сездирмаслик ва душман ўқига нишон бўлмаслик учун сапёрлар асосан эмаклаб, судралиб юришади. Сапёрлар ҳарбий ҳаракатларнинг энг олдинги қисмида бўлиши, орқадан келаётган ҳарбий техниканинг, юзлаб кишиларнинг ҳаёти ҳам уларга боғлиқлиги кўпчиликка маълум.



ЯНГИ АВЛОД ‘КАМОЛОТ’НИ ТАНЛАЙДИ



“Ёш куч” компьютеридаги маълумотлар:

1948 йили Наманган вилоятининг Норин туманидаги Тўда қишлоғида туғилган. Андижон Давлат педагогика институтида ўқитувчи доцент, сиёсий тарих кафедраси мудири вазифаларида ишлаган. 1993-1996 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида етакчи консультант бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида Сиёсатшунослик кафедрасида профессор лавозимида ўриндошлик асосида фаолият кўрсатмоқда. Тарих фанлари номзоди. Фуқаролик жамиятини шакллантириши ва мафкура муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Оилали, икки қиз ва бир ўғилнинг отаси.

— Муқимжон ака, “Камолот” жамғармаси ёшлар ўртасида ниҳоятда кенг кўламда фаолият кўрсатиши мақсадида ташкил этилди. Бугунги ёш авлоднинг эътиборини жалб этиши, унга таъсир кўрсатиши учун унинг аҳволини, қизиқиши ва эҳтиёжларини яхши билиши, унга аниқ таклифлар билан чиқиши зарур бўлади. Сиз ёш авлодга қандай таъриф берган бўлардингиз ва “Камолот” жамғармаси уларга қандай таклифлар билан мурожаат этмоқда?

— Ёш авлод ҳақида гапирганимизда, бизнинг минтақада мавжуд ижтимоий ҳолат таъсирига эътибор бермоғимиз лозим бўлади. Айтайлик, ёш авлод коммунистик жамиятнинг чириётган даврида шаклланган, шу билан бирга миллий истиқлолимизни ўз кўзи билан кўрган, ўз ҳис-туйғуларини қабул қилган. Ёшларимиз орасида янги давр нафасини ҳис этиб, келажакка ишонч ва шижоат билан бораётганлари кўпчилиكنи ташкил этса, ўтиш даврининг қийинчиликларидан тушкунликка тушганлари ҳам топилди. Бизнинг ёш авлодни бошқа мамлакатлардаги ёшлардан фарқли томонлари бор. Масалан, Европа мамлакатларида демократик тамойиллар шаклланган, ёшларнинг ҳаёти маълум қонуниятлар асосида муқимлик билан кечади. Бизнинг ёш авлодчи? Юқорида таъкидлаганимиздек, коммунистик жамият ҳаёт тарзи иллатлар таъсиридан тўлиқ кутулмаган, шунинг баробарида, беш йиллик истиқлолимиз сиёсатини ҳам руҳига сингдирган авлод.

Жамиятимиздаги баъзи иллатлар сақланиб қол-



Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ёшларнинг “Камолот” жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

ган дедик, масалан, боқимандалик, тенг тақсимотчилик, озгина мутелик руҳи, лоқайдлик иллоти ҳамон мавжуд. Лекин бизнинг ёш авлод беш йил аввалги ёш авлод эмас. Ёшларимиз мустақиллигига эришган, миллий тикланишни бошидан кечираётган ўтиш даврининг авлодидир. Шулар боис бошқа Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, бизнинг ёшлар ғамхўрликка, ижтимоий ҳимояга муҳтож. Айнан шу вазифаларни ҳал этиш учун ёшларнинг “Камолот” жамғармаси ташкил этилди.

Энди, “Камолот” жамғармаси ёшларга қандай таклифлар билан чиқади, деган масалага кенгроқ ёндашмоқ керак бўлади. Собиқ Иттифоқни инқирозга олиб келган асосий сабаблардан бири бу халқни социология, ижтимоий психология ва сиёсатшунослик фанлари нуқтаи назаридан ўрганилиб таҳлиллар асосида сиёсат олиб борилмаганлигидир. Социология орқалигина ёшларнинг қизиқишлари, эҳтиёжи, дунёқарашини ўрганиш ва шулар асосида, айтайлик, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, уларни соғломлаштириш, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мумкин. Ҳукуматга бу соҳада амалий ёрдамлар бериш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур бўлганда парламент орқали ёшлар учун имтиёзлар, моддий ва маънавий қулайликлар яратиш — бу ҳам кенг кўламдаги таклифлар доирасига киради. Ёшларнинг маънавий камолоти фақат моддий ёрдам билан мукамал



бўлолмайди. Ёшларда давлатимиз келажаги, ҳукуматимизнинг халқаро майдондаги ички ва ташқи сиёсати, ёшларнинг маънавият ҳақидаги тасаввурларини ҳосил қилиш, муҳаббат, оила қуриш каби ёшларни қизиқтирган мавзуларда маърифий билимлар беришни уюштириш ҳам бизнинг олдимизда турган вазифалардан биридир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) ҳазратлари тиламчилик қилиб келган бир кимсага болта билан арра берган эканлар. Буни кўрган Хадича онамиз ҳайратланиб, “у сизга тиланиб нон деса, сиз болта билан арра бердингиз, бу қандай гап?”, деб сўрабдилар. Шунда Пайғамбаримиз (С.А.В.): “Нон берсам, еб тугатади, болта билан арра берсам, меҳнат қилиб, тирикчилигини юритади”, - деган эканлар. Шу сабаб, аввало ёшларимизга ўқиш ва ишларида тўғри йўл кўрсата олишимиз зарур. Яна бир асосий мақсадларимиздан бири ёшларнинг дунёқарашини, тасаввурини бойитишимиз зарур. Маънавий баркамол инсон эртанги кунини кўра олади, у шахсий эҳтиёжлари доирасида чекланиб қолмайди, унда Ватан манфаатлари кучли бўлади.

— *Комсомол фаолияти тарихидан хабардор бўлган ватандошларимиз бу ташкилотнинг ҳам мақсадлари рисоладагидек бўлганлигини яхши билишади. Комсомолнинг ҳам ёшлар ўртасида ўз вакиллари, ҳаракат дастури бўлган, лекин, афсуски, ёш авлод қалбига йўл тополмаган. Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз? Ва умуман, “Камолот” жамғармаси ёш авлод эътиборини жалб этиши борасида ўз услубига эгами ва булар нималардан иборат?*

— Гап шундаки, коммунистик таълимот ҳам омондан тушмаган. Бу таълимотнинг яратувчилари учун манба сифатида Таврот, Инжил, Қуръони Карим ва буюк алломаларнинг асарлари хизмат қилган. Илгари сурилган ғоялар гўё инсоннинг камолотига, фаровон турмуш тарзига хизмат қилган. Лекин бу таълимотнинг фожеаси шундаки, эзгу мақсадларга эришиш усуллари гайринисоний бўлган. Комсомол ёшлар ўртасида партия родини бажарган. Иш услуби, йиғилишлар ўтказиш тартиби, ёшларга таъсир кўрсатиш воситалари худди партияникидек. Инсонлар кўр-кўрона иш бажарувчига айлантирилган. Мутелик, лоқайдлик иллатлари шу сиёсат оқибатидир. Ташқаридан қараганда жамият ярқирайди. Ҳамма комсомол нишонини таққан, галстук боғлаган, ҳаммаёқда тартиб-интизом, лекин инсон юрагига, қалбига қарасангиз, даҳшат, ўша иллатлар ҳукмрон. Шунинг учун ҳам у давр машъум, жирканч. Инсон қалбига, яратувчилик иқтидорига эътибор берилмаганлиги боис ҳам комсомол ҳаракати охир-оқибат инқирозга учради.

Бизнинг услубимиз нимада? Арасту халқни икки йўл билан бошқариш мумкин, дейди. Биринчиси, кўрқув уругини сочиб бошқариш бўлса, иккинчиси, меҳр-муҳаббат қозониб бошқариш. Бизнинг услубимиз шундайки, ҳеч кимни мажбурлаш йўқ. “Камолот” жамғармаси фақат тақлиф этади, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлайди, ёшларда ташаббус уйғотади, ҳар бир ёшдаги мустақил фикрлаш, амалий ҳаракат қилиш эркинлиги тан олинади, уларнинг орзу-истакларини амалга ошириш учун имкониятлар яратади. “Камолот” жамғармасининг энг асосий имтиёзларидан бири ташкилотимиз доира-

сида ташкил этиладиган ҳар қандай ёшларнинг корхонаси беш йилгача даромад солиқларидан бутунлай озод этилгандир.

— *Муқимжон ака, юқорида ёшларимиз ижтимоий ҳолатига таъриф бердингиз. Айтингчи, сизнингча, ёшлар билан боғлиқ қайси муаммоларга кўпроқ эътибор қаратмоқ зарур?*

— Мени кўпроқ ўйлантираётган муаммолардан бири ишсиз қолиб, жиноятга қўл ураётган ёшларнинг тақдири. Табиатан ёшлар ниҳол каби турли таъсирларга берилувчан бўлади. Бизнинг асосий вазифамиз ҳам ёшлар ичида вакилларимиз бўлиши керак. Ёшларнинг турмуш тарзидан, дунёқарашиданги ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришимиз зарур. Ишсизликни олдини олишимиз мумкин. Маҳаллаларда, қишлоқларда кичик корхоналар очиб, ёшларни жалб этишимиз мумкин. Лекин энг хавфлиси ўртамеъна одам бўлиб қолиш. Бизга ўз дунёқараш бор, дилида Ватан, миллий ифтихор туйғуси бўлган ёшлар керак.

— *Коммунистик мафкура миллий туйғуни барбод этиши борасида яхшигина натижаларга эришди. Энди бу жароҳатни даволаш, миллий туйғуни қайта шакллантириш учун коммунистик мафкурадан кучлироқ миллий мафкура бўлиши керак, шундай эмасми?*

— Миллий туйғу, миллий ифтихор туйғуси бўлмаган одам йўқ. Фақат шу туйғуни юксалтириш керак. Масалан, энг тубан ҳукумдорларнинг ҳам ўз мафкурасини сингдириш усуллари бўлган, улар ўз ғояларининг гўёки афзаллигига минглаб одамларни ишонтира олган. Нега энди биз умуминсоний кадриятларга, бозор муносабатларига асосланган демократияга ёшларимизни ишонтира олмаймиз. Ҳозирги турмуш ташвишлари дунёқарашнинг шаклланишига таъсир қиляпти. Шунинг учун энг аввало ёшларимизнинг илм-фанга муносабатини яхшилашимиз лозим. Дарсликлардаги бир хиллик мени ташвишга солади. Социализм иллатларига тўлиқ, чуқур баҳо берилса, чоғиштириш бўлади, фожеалар англанади, фаоллик пайдо бўлади. Агар ёшлар илми, ижодкор бўлмаса, лоқайд бўлиб қолаверади. Давлатимизга ҳам, халқимизга ҳам ижтимоий фаол одамлар керак.

— *Бу жараёнда матбуотнинг ўрни қандай бўлиши лозим, қайси мавзуларга кенгроқ ўрин бериш керак, деб ҳисоблайсиз?*

— Миллий туйғуни тарбиялаш, дунёқарашни бойитиш қийин иш. Маънавиятни юксалтиришда мактабдан сўнг, матбуотнинг ўрни жуда катта. Бекорга уни “тўртинчи ҳокимият” деб аташмайди. Матбуотнинг бугунги аҳволини қониқарли деб бўлмайди. Ҳозир қайси ташкилот пул ўтказса, ўша ташкилот ҳақида мақола босиляпти. Айниқса, газеталарда шундай. Тинч, сокин, “сен менга тегма, мен сенга” қабилдаги материаллар кўп... “Бош оғри-тиб нима қилдим” деган кайфият ҳукмронга ўхшайди. Матбуот ёшларнинг дунёсига кириб бориши, ўзига жалб қилиб, Ватан, мустақиллик, миллий ғурур туйғуларини ранг-баранг шакллар, жанрлардан фойдаланиб, уларнинг онгига сингдириши лозим.

— *Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат, гайрат-ишжоатингиз асло сўнмасин.*

Эркин АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди



**ОНАМДАН НАФРАТЛАНИБ
КЕТАЯПМАН.**

Она ҳақида ёмон сўз дейиш гуноҳ, албатта. Лекин шу сўзга лойиқ она бўлса-чи? Отам ҳаётлик даврларида хонадонимиз жуда файзли эди. Вафотларидан сўнг онам бегона эркакни уйга бошлаб келиб, ота дейсизлар, деди. Балки онам моддий томондан қийналиб шундай қилишга мажбур бўлгандир? Мен эса пул деб бошқа бировни отам деёлмайман. Онамдан жуда нафратланиб кетаяпман.

АНОРА, Қашқадарё вилояти.

**КАСАЛЛИК АСТА-СЕКИН
ТУЗАЛАДИ**

Муносабат рукни остида берилган "Ҳижобдаги қизлар" деб номланган мақола қўлимга қалам олишимга сабаб бўлди. Баҳодир деган дўстимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдирибди. Мен ҳам ҳижоб ҳақида айрим фикрларимни баён этсам. Инқилоб даврида хотин-қизлар ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан паранжи ташламаган. Ойномадаги "Сени ейман" деган қизларга ҳам яхшилик аломати деб қараш керак. Шунчалик инсофга келишганим катта гап. Ҳар қанақа касаллик ҳам аста-секин тўзалади. Умуман олганда ҳижоб кийишдан аёлларимиз фахрланишлари керак.

Ақбар Ҳайитов, Қашқадарё

ЎҚИТАМИЗ ДЕБ...

Олийгоҳда ўқиб юрган кезларим Бувим, қиз болани ёшлигида эрга берса бўйин эгади, тез кўникади, — деб тўйга розилик бердилар. Булажак қайнонам ўқишдан қийналсалар, ёрдам берамиз, ўқитамиз, — деди. Турмушга чиққач, уй-юмушлари, келинликнинг вазифаларини адо этаман деб баъзан дарсларга ҳам боролмай қолдим. Қайнонам ва турмуш ўртоғим ўқишингни йиғиштир, деб жанжал кўтарадиган бўлишди.

Оилам бузилмасин дедим ва орзулаб кирган ўқишимни ташлаб кетдим. Агар қиз болалик давримни келиб қолганида ўқишни тугатиб турмушга чиққан бўлардим.

Феруза

...АЖРАШДИМ

Ушбу мактубни йиғлаб ёзаяпман. Ахир адолат деган нарсанинг ўзи борми дунёда? Турмуш ўртоғим билан ажрашдим. У ўз болалигимга алимент тўлаш у ёқда турсин, бор-йўқ мулкимни ҳам олиб қўйди. Ғузур тумани Ички ишлар бўлимига неча маротаба шикоят аризасини ёздим. Мен бечора куйган онанинг сўзига кулок тутадиган бирон киши топилмади.

Дилфуза НУРМАТОВА, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Ф.Хўжаев кўча, 45 уй.

**АВТОБУС ҲАҚИДА ГАПИРМАЙ ҚҮЯ
ҚОЛАЙ**

Қишлоғимизнинг номи Боғоро. Бошқа қишлоқлар қандай билмадиму бизда аҳвол жуда оғир. Аҳоли газ, сув ўқлигидан қийналиб кетди. Автобус ҳақида гапирмай қўя қолай. Одамлар пиёда ишга қатнайдилар. Бир кун чироқ бўлса, бир ҳафта бўлмайди. Ахир, бу ишлар билан қимдир шугулланиши керакми? Наҳотки, президентимизнинг қарор, буйруқлари қоғозда қолиб кетаверса?!

Башир УЛУҒМУРОДОВ,
Сирдарё вилояти, Ленин колхоз.



ХОТИНИМ ҲАЙДА- ЯПТИ

Мен тўрт фарзанднинг отаси-
ман. Ёшлигимда тутқаноқ касали-
га чалинганман. Бу касални душма-
нимга ҳам раво кўрмайман. Йил-
дан-йилга аҳволим оғирлашяпти.
Хотиним менга қарагиси келмай,
уйдан кетинг, касал боқишга тоқа-
тим йўқ, деб ҳайдагани ҳайдаган.
Бу етмагандай фарзандларим ҳам
мен билан гаплашмай қўйишди.
Шунча боқиб, катта қилсаму энди
ишига ярамай ногирон бўлиб қолга-
нимда ёлғиз қолиб кетсам. Ахир бу
Оллоҳ берган дард-ку?
Маҳмуд ЗОКИРОВ, Тошкент
вилояти.

БИР ПАРТАДА БЕШ КИШИ

Мактабимизда ўқишга шароит йўқ. Қишда хона-
лар совуқ, зах. Ёмғир ёғса, чакка ўтиб кетади. Синф-
хоналарнинг поллари тешилиб ётибди, доскалар ўйил-
ган. Битта партада беш киши сиқилиб ўтирамиз. Биз
ҳам баъзи тенгдошларимиз қатори замонавий мактаб-
да ўқигимиз келади.
Чироқчи тумани, Шўрқудуқ қишлоғидаги И.Мў-
минов номли мактаб 11-А синф ўқувчилари.

УЙИМИЗДАН БАРАКА КЎТАРИЛГАН

Сизлардан нажот истаб мактубимни йўллаяпман. Оиламизга ёрдам
беринг. Отамиз ичкиликка берилиб кетаяпти. Яхши гапга ҳам, ёмон гап-
га ҳам кулоқ солмайди. Бир нима десак, "Сенларга нима, пул топиб
келаётган мен" дейди. Ҳар куни уйимизда жанжал, барака йўқ. Нима
қилишимиз керак, йўл кўрсатинглар, илтимос.
Эрматовлар оиласи. Ғазалкент шаҳри.

МУСУЛМОНЧИЛИК АСТА-СЕКИНЛИК БИЛАН

Ҳижоб ҳақидаги мақолани ўқиб, мен ҳам ўз
фикрларимни ёзиб юборяпман.
Ўзим анчадан бери ҳижобда юраман. Мабодо
бирор нотўғри ҳаракат қилиб қўйсам, дарҳол
"ҳижобда юриб шундоқ қилди" дейишади. Кимда
камчилик бўлмайди, дейсиз? Ҳижоб — ибодат деб-
сизлар. Мусулмончилик, ибодат эса аста-секин-
лик билан бўлади-да.

Хуснора АБДУРАҲМОНОВА, Кармана,
Куллар қишлоғи.

ҚИЗЛАР ИШСИЗ ҚОЛИШДИ

Бу мактубни қийналганимиздан ёзъя-
миз. Биз 1982 йилдан буён Самарқанд
вилояти Тойлиқ ноҳияси Жумабозор
қишлоғидаги "8 март" тикувчилик иш-
лаб-чиқариш бирлашмасининг филиали-
да ишлаб келамиз. 1995 йил март ойи-
дан бошлаб фабрикада иш тўхтади. Бар-
ча ишчилар қисқартирилди. Қолган
ишчиларга ариза ёздириб ишдан бўша-
тиб юборишди. Натигада минга яқин
хотин-қизлар ишсиз қолишди. Ҳозирда
шў фабрикани касалхонага айланти-
ришмоқчи. Касалхона қуриш учун эса
тўрт йил муқаддам қишлоқ территория-
сидан 5 гектар ер ажратилган эди. Энди
нима қиламиз, болаларимизни қандай
боқамиз деб бошимиз қотиб қолди. Ёр-
дам бер "Ёш куч".

Жумабозор, 8 март фабрикаси
ишчилари.

НИМА ҚИЛСАМ...

"Ёш куч!"
Мен бир йигитни ёқтираман.
Унинг бўлса, мен билан иши йўқ.
Нима қилсам, у мени ёқтиради?
ЛАЙЛО,
Жиззах вилояти.


ТУРМУШ ҚУРИШИМГА "ЁШ КУЧ" САБАБЧИ

Ҳаёт ажабтовур воқеаларга бой. Баъ-
зан ҳаётда қиз билан йигитнинг турмуш
қуришига кимдир сабаб бўлади. Менинг
мустақил ҳаётга қадам қўйишимга "Ёш
куч" сабабчи бўлган. 1990 йили жур-
нал саҳифаларида хандаларим эълон
қилинган, ўз номимга кўплаб мактублар
олдим. 1994 йилда Хоразмдан Жиззах-
га келин бўлиб тушдим. Турмушимдан
мамнунман. Бунинг учун "Ёш куч" тахри-
рияга миннатдорчилик билдираман.

Адолат ХУСАЙНОВА,
Жиззах вилояти.



САНЪАТ-ХАЛҚ



САВОЛЛАРИМИЗ:

1. Афлотун ўзининг "Республика"асарида ўзи ўйлаган тасаввурий жамиятдан шоирларга ўрин бермаган экан. Аммо ҳар қандай шахснинг жамиятда ўз ўрни бор. Айтингни, бугунги кун ижодкорининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни қерда?

2. Ҳозирги адабиётимизнинг қиёфаси: насл, назм ва танқидчилигимиз, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида икки оғиз...

3. Бир тоифа кишилар: "санъат — санъат учун", дейишади. Иккинчи тоифа: "санъат — халқ учун", дейди. Сиз қайси тоифа тарафдорисиз?

1. Бу шахсий масала. Гап "ижтимоий ҳаётдаги ўрин"да эмас, ижодкорда. Қолаверса, ижодкорнинг кимлигида, савияси қанақалигида, қандай тарбия кўрганида, маданияти даражаси ва ҳ.к.ларда.

Ажабтовур шеър ёки ҳикоя ёзиб юрган ижодкор бир қарасангиз тузуккина арбобча бўлиб етишади ёки маъмурий идоранинг масъул ходими бир куни шоир бўлиб чиқади... Отчопарда калиш сотиб ўтирган драматургни кўриб қоласиз тасодифан. Буям ижтимоий ҳаётдаги ўрин. Шоир айтмоқчи, бозорга ўхшайди асли...- "ижтимоий ҳаёт". Бизнинг адабий турмушдан жуда қизиқ мисолларни келтириш мумкин бу масалада.

Ижтимоий ҳаётдаги ўрнини топишда ижодкорга халақит қилинмаса, бўлгани: от айланиб қозигига келади. Мухими, Кимнинг кимлигида.

Менга қолса, Отчопардами, маъмурий идорада ёки уйдаи — кўним топган ижодкор ёзмаса, куни ўтмаслигидан севинса, демак, унга ишониш мумкин, ундан кутса бўлади.

2. Қиёфаларининг ранги сарғимтил. Сабаби — узок сояда қолди. Энди юзига офтоб тегди, шояд тепага бўй чўзса.

Насрда қолақ анъанавийлик кучли. Жаҳондаги илғор адабиётларда XIX аср иккинчи ярми, XX аср бошларидаёқ эскириб, ўз имкониятларини тўла-тўқис сарфлаб бўлгани туфайли унутилиб, ташлаб юборилган шакллар, приёмлар, воситалар, услублар, сюжет қурилишлари ва ҳоказолар ҳануз бизда ҳавас билан қўлланилаёттир. Аини пайтда, ўзбек тилида ўзбекча бўлмаган ариза ёзиш ҳаракати ҳам мавжуд. Прозани алоҳида ёзувчилар эмас, муайян бир авлод янгилаб улгуради, деб ўйлайман.

Назмда... бизда урф бўлиб келган, умумга тушурнарли шеър ёзиш устун. Демак, унинг қаватида назмга алоқаси бўлмаган мадҳиябозлик ҳам кун кўра япти. Ким билади, барча замонда ҳам бу жабҳа "илғор" бўлиб келгандир.

Ёши қирқдан ошган, элликни қоралаётган шоирлар ижодида ўзгариш сезганим йўқ. Улар яхши шоирлар, ажабмас, халқ шоирлари бўладилар... Гап матнда, сўз қандай турланапти, муаллифнинг малакаси ва маданияти қандай? Жуда кўп шеърлар — шунчаки шеър. Шеър эмас, дея олмайсан. Дейишга



Аҳмад Отабой 1954 йилда Самарқанд вилояти, Нурота шаҳрида туғилган. Адабиётшунос, бир қанча адабий-танқидий мақолалар муаллифи. Жаҳон адабиёти, хусусан, Ғарб адабиётидаги янги адабий оқимлар бўйича илмий излаишлар олиб бормоқда. Икки фарзанди бор.

эса нимадир монелик қилади. Мумтоз адабиётга оид лугатни титиб ўқиш мумкин бўлган шеър билан писта чаққандай осон ўқиладиган шеър орасида фарқ кам. Билим, иқтидор — шуларнинг ўзинигина намоён этишни мақсад қилганда мурод ҳосил бўлмайди, чамамда.

Бироқ денгизнинг туб-тубларида бир гўзал сокинлик, вазминлик билан тозариб келаётган оқим сезилаёттир.

Адабий танқид ҳисоблардан чарчади, ошна-оғайнигарчиликдан зерикди. Унгаям тоза нафас керак. Тарафкашлиқдан, юзхотирчиликдан, билимсизлик ва маданиятсизликдан холи ҳаво зарур. Дунёбехабар адабий танқид ҳеч кимни қизиқтирмаслиги кўриниб қолаёттир.

3. Талашадиган муаммо эмас бу. Унинг атрофида назариябозлик қилишнинг ҳеч кимга нафи йўқ. Бу таъриф ("Санъат — санъат учун") ўртага тушса, биров халқдан санъатни тортиб олаяпти, деб ўйлаш густоҳлик.

Умуман, масалани мунозара қилгандан кўра мулоҳаза, фикр қилиб кўрган маъқул. Менинг назаримда, "Санъат — санъат учун" — энг юксак мезон. Бу мезон барча замон ва халқлар учун долзарб. Ҳозир ҳам, келгуси асрда ҳам у ўзининг шу мавқеини сақлаб қолади. Шарҳда ҳам, Ғарбда ҳам.

Бирор-бир мафкура ўзининг устунлигини ўрнатишга киришганда дастлаб ана шу таърифга ҳужум бошлаган. Ва оддий, жўн йўл билан: "Нега энди... санъат учун, халқ учун эмас?" дея ўзини омманинг ғамхўри кўрсатиб, курашган. Санъат табияти эса ғалати: бунда ўйлаб топилган нарса, ўтрик буюк ҳақиқат бўлиб чиқади.

"Санъат — санъат учун" — ғоя, концепция эмас, чунки уни мафкуралаштириб бўлмайди, бу таъриф мафкурага ёқмайди. Унинг юксаклигидан назар ташлаганда, мафкуранинг истеъдодли одамларга зиёни аниқ кўринади. Зиён шундаки, истеъдодли кишилар мафкурага қарши ёзавериш, курашни "адабиёт"га айлантириб олишади. Бу эса, "Санъат — санъат учун" нуқтайи назаридан сохталик, санъат, адабиёт талабларидан чекинш. Чунки "Санъат - санъат учун" ҳар қандай инсонпарвар ғояда сохталикни кўради ва рад этади. У буржуазияники ҳам, пролетарники ҳам эмас, санъатники. Қачон халқники бўлади, билмадик, бунга неча қовун пишиғи бор...

УЧУНМИ ?

Раҳимжон Раҳмат Қўқон шаҳри яқинидаги Қирқлар қишлоғида туғилган. ТошДУ аспиранти. "Жаннат соғинчи", "Жараён", "Сифат даражалари" каби бир қатор адабий-танқидий мақолалар муаллифи. Бадий ижод билан ҳам шуғулланади.



1. Бугунга келиб адабиётнинг ва умуман хур фикрнинг ашаддий душмани — тоталитар сиёсий бошқарув усули инқирозга юз тутди. Тоталитаризм ўз даврида сўз санъатининг сеҳри, адабиёт аҳлининг халқ орасидаги ҳурмат-эътибори, мавқеидан ҳам унумли фойдаланди.

Бугун ҳақон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзгача иқлим ҳоким. Баъзи бир кичик мамлакатларнинг сиёсий ҳаётида тоталитаризмга хос унсурлар ҳамон мавжуд. Бироқ улар тезда ўтиб кетгучидир. Мана шу ғайриинсоний ва ўткинчи ақидаларни адолат ва ҳақиқатга дахлдор, деб шовқин кўтарётганларнинг ҳам яқин орада оғзига кум тўлажигига шубҳа йўқ.

Дунё мамлакатлари орасидаги ҳарбий зиддият, қуроланиш пойғасида "мен сендан ўтаман", дейишлик иқтисод соҳасига кўчди. Ҳозирги замон файласуфлари луғатида "иқтисодий фашизм" деган янги истилоҳ пайдо бўлди. Ҳақон халқларининг дин, тил ва жуғрофий асосдаги бирлиги анча кучсизланди. Ватан ва миллат сўзларига шартлилик қучайди. Дунё улкан бозорга айланди.

Ўзбек ижодкори ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитда жамиятдаги ўз ўрнини аниқлаштириб олгани йўқ. Ижодкорларимизнинг жамият иллатларига қарши шу кунгача бўлган кураш усули ҳозирда эскирган кўринади. Айтиш мумкинки, ҳаётимизга кириб бораётган янги ижтимоий-сиёсий шароит ўзининг муҳолифларини ҳам ўзи туғиб тарбиялайди.

Ижодкор Мадонна ёки Марадона каби фақат ўз санъати йўлида машҳур бўлишликни ўйламасин. Унинг долларнинг курсига қараб фикр-мақсадини ўзгартирадиган савдогар бўлишлиги ёмон.

Бадий фикрнинг сотилиши — кулфат. Истеъдод сотилмайди, сотилганлар — истеъдод эмас.

Ижодкор ўлганидан кейин, марҳамат, мажнунтол остига кўмилсин.

Интеллектуал лакейлик - бу балодан ҳазар.

2. Ҳозирги ўзбек шеърлятида реализмдан чекиниш бошланган. Айниқса, ёш шоирлар тирик одамнинг руҳий кайфиятини бир четга сўриб қўйиб, ҳозирда йўқ, аммо келажақда кўнгилларидан кечиши мумкин бўлган бир нарсаларни шеърга айлантормоқчи бўлаётирлар. Ёш шоирларимиз кўнгилларидаги мураккаб, зиддиятли кечинмаларни очиқ-ошкор ёзишдан ҳайиқиб турибдилар. Нега шундай? Қачондан бошлаб шоир қалб изтиробини яширадиган бўлиб қолди?

Баҳс бўлаяптими, демак, шууримиздаги қайсидир депсиниб турган фикр янгилиб, ривожланиб бормоқда. Баҳсда бирор нимарса бир ёқлама эмас, ҳар томонлама мушоҳада этилади, бир қолипга тушиб, бўғриқиб, ҳатто қотиб қолган қарашлар ҳаракатга келади. Баҳс — ақлни чархловчи, мукамалликка элтувчи бир куч. Зеро, "бизнинг тариқимиз суҳбатдир".

Ушбу мантиққа асосланиб биз "Ёш куч" бағрида янги бир руқни очдик, уни "БАҲС" деб номладик. Мақсадимиз — фикрни ҳаракатга келтириш, фикрга жон ато этиш.

Бизнинг баҳсимиз ана шундай жонбахш баҳсдир.

Баъзи шоирлар учун "Ахборот" кўрсатуви илҳом булоғи бўлиб қолган. Агар улар бир ҳафта "Ахборот" кўрсатувини кўрмасалар, шеърини қобилиятлари сўниб, илҳом ариқлари қуриб қолиши, шубҳасиз.

Кўпчилик "қарри" шоирларимиз собиқ совет даврида орттирган шеърини тажрибаларини шу кунни мадҳ этиш учун мослаштириб олдилар. Мен бу нарсани ўта салбий ҳодиса деб биламан. Истиқлолни, миллий озодлигимизни улуғлаш учун кечаги манфур мафқурани мадҳ этиш учун қўлланган умумий баландпарвоз сўзлардан ва бачкана мақтов усулларидан воз кечмоқ лозим.

Ҳозирги кунда шеърини китоб нашр этиш эпидемия түсини олди. Айрим вилоят нашриётлари ўта паст савияли, бадий жиҳатдан икки пулга қиммат, чучмал, бемаъни шеърларни китоб ҳолида нашр этишдан ўзларини тийиб туролмаяпти. Нима учун вилоятларда нашриётлар очилган эди? Бу саволга ҳамон жавоб топа олганим йўқ.

Иқбол, Салим Ашур ва Абдувоҳид Ҳайит каби ёш шоирлар ижодида ҳозирги мураккаб даврда яшаётган шахс кўнглидаги зиддиятли кечинмалар бир қадар акс этаётир. Бугуннинг шеърини шулар ёзаётир. Улар кўнгли реализми бағрига "омоч"ни яна ҳам чуқурроқ ботиришлари лозим. Кўнглидан қон чиқмаса, ҳисоб эмас.

Бугуннинг гапини айтингиз бугун!

Жўхорининг бошига қўнган чумчуқларни қўриган каби бақириб, шовқин солиб, қўлларини силтаб ўқиладиган шеърларнинг даври ўтди. Ўқувчи онгига бақириб ётказиладиган гаплар ҳам эскирди. Бугунги ўқувчига кўнглингиз изтироб чекаётганлигини секингина билдириб қўйсангиз, бас, етарли.

Адабиёт билан жиддий машғул бўлмоғи учун шахс, аввало, моддий жиҳатдан бировга қарам бўлмай, ўзини ўзи тўла таъмин этадиган бўлиши лозим. Истеъдоднинг адабиётга кириб келиш йўллари, усуллари бутунлай ўзгарди, кечагидек эмас. Кун кўриш ташвиши сабаб илм ва ижоддан юз ўгириб кетаётган ёшлар қанча!

Бизлар ҳамон бадий фикрдан қўрқамиз, шоирнинг изтиробидан чўчиймиз.

3. Назаримда, учинчи саволга тегишли муаммо хусусида яқин орада катта бир адабий баҳс бошланиши мумкин. Адабиётимизда шундай баҳснинг бошланишига туртки берадиган ҳодисалар пайдо бўлаётир. Худо хоҳласа, ўша баҳсда қатнашиш ниятим бор...





СОАТИНГ НЕЧЧИ БҰЛДИ, БОЛАМ?..



**Мирзакалон
ЖҰРАЕВ.**

1960 йилда Наманган вилояти, Поп тумани, Чоркесар қишлоғида туғилган. 1987 йилда ТошДД ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. "Шедевр ёзаман" номли қисса ва ҳикоялар тўплами нашр этилган.

Табиатан тезкор бўлганлигимдан, дарвозани очиб, шиддат билан бекат томон йўналдим. Қўшнининг данғиллама иморати ёнидан ўтаётганимда қулоғимга мунгли бир нидо чалингандай бўлди. Ортимга ўгирилиб, кўркам дарвоза соясида кўзга ташланмайдиган, кўримсиз эшик ёнидаги курсида ўтирган кичкинагина мунис кампирга кўзим тушди.

- Кечирасиз, сиз менга гапирдингизми, бувижон?
- Соатинг неччи бўлди, болам?
- Соат, саккиздан йигирма минут ўтди.
- Раҳмат.

Сўз оҳангидан сўхбатимиз яқунланганлигини сезиб, йўлимда давом этдим.

Маҳаллада янгилигимдан, деярли ҳеч кимни танимайман. Кошонанамо уйнинг эгаси, Володя амакининг гапига ишонилса, ўзбек ниқобидаги жўхуд эмишман. Бу мени қизиқтирмайди. Тахмин тарзидаги ғийбатга ихлосим йўқ. Кампир тўғрисида ҳеч бир маълумотга эга эмасман, қолаверса, бунга заррача бўлмасин эҳтиёж сезмайман.

"Тошгаз"да англашилмовчиликларни муваффақиятли бартараф этиб, мамнунлик билан қайтдим. Кампирнинг мавжудлигини ҳам деярли унутиб бўлганман. Кампир эса ҳамон ўз ўрнида. Мен унга яқинлашганимда, яна ўша майин нидо такрорланди.

- Соатинг неччи бўлди, болам?
- Ўнта кам икки!
- Раҳмат.

Бу ҳодиса устида бош қотириб ўтирмай, уйга келиб, тушликка ҳозирлик кўришга киришдим. Овқатланиб бўлгач, вақт борлигидан фойдаланиб, бироз мизғиб олдим. Уйғонганимда соат олтига яқинлашиб

қолган экан. Дарҳол газга сув қўйиб, ювинишга киришдим. Ювиниб, артиниб бўлгунимча сув қайнади. Кофе дамлаб кийинишга тутиндим: тезлик билан кийиниб, иккита бутербродни кофе билан саранжомлаб, дафтарларимни олиб, дарсга отландим. Кўчага чиқиб, бекат томон кетаётганимда, яна кампир овози — титроқ, заиф нидо мени қаршилади.

Титраш — ҳаяжон кучидан эмас, балки, товуш торлари заифлигидан нишона эди.

- Соатинг неччи бўлди, болам?
- Олтидан йигирма минут ўтди, бувижон.
- Раҳмат, ўғлим.

Бир кунда уч марта соат сўраш? Балки, бунда, бирор ҳикмат бордир? Эҳтимол, бу шунчаки тасодифий такрорийликдир? Қандай бўлмасин, мен бу жумбоқнинг тагига етишга аҳд қилдим.

Дарсдан қайтишимда, кампир ва курсининг ғойиб бўлганлигини кўрдим. Эртасига эрталабдан ҳаммаси бошидан бошланди.

- Соат неччи бўлди, болам?
- Саккиз ярим!
- Раҳмат.

Лекин, у бундан на қувонди ва на ўқинди, йўқ, умуман, мен бу қувонч ёки ўқинч туғдириши шарт, лозим ёки мумкин деб ҳисобламайман, аммо, кампирнинг серажин юзидан ҳеч бир ўзгариш сезилмади, туришидан, саволига жавоб берилгани учун ташаккур изҳор қилиш билан у яна ташқи оламни унутадигандай, гўё, "раҳмат"дан кейин сўхбат давом этиши ҳеч бир қоидада кўзда тутилмагандай. Мен лол эдим. Жумбоқ тилсимини очишни қанчайин хоҳламай, кампирнинг сирли — менинг тушунишимдан юқорироқ ва теранроқ бўлганлигидан — нозаминий бандилик ҳолатини бузишга журъат эта олмадим. Унинг кўзлари ҳиссиз боқарди, тўғрироғи, улар мен томонга қаратилган бўлишига қарамай, бўшлиққа қадалган, мени илғамай мен орқали чексизликни кузатарди... Ҳолатим ўзимга эриш эди. Лол ҳолда секин узоқлашдим.

Ишларимни бажариб, қайтиб келаётганимда мени яна ўша, ўзгармас савол қарши олди.

- Соат неччи бўлди, болам?
- Ўн икки бўлаяпти, бувижон.
- Раҳмат.

Уйга кириб, нон йўқлигини кўрганлигимдан, бозорга отландим:

- Соат неччи бўлди, болам?
- Ўн иккидан етти минут ўтди.
- Раҳмат.

Бу мени энди астойдил тажжубга солди. Мен кам-

пирнинг ақли-ҳушидан ташвишга тушдим.

Бозорга бориб, нон олиб, дарҳол қайтдим. Бунга кўпи билан йигирма минут сарф бўлди. Қайтишимда яна кампирга дуч келдим.

— Соат неччи бўлди, болам?

— Беш бўлди, бувижон!

— Раҳмат.

Кампир овози ҳар галгидек майин ва мунгли эди. Мен ўз дилозорлигимдан уялдим. Ҳовлига кириб, дарвозани ёпиш олдидан кампирдан кечирим сўрашим зарурлигини ҳис қилганимдан, ортга қайтишга қарор қилдим. Кампирга яқинлашиб, оғиз жуфтлашга улгурмасимдан, унинг ўзи тилга кирди.

— Соат неччи бўлди, болам?

— Ўн икки ярим, бувижон.

— Раҳмат, ўғлим.

Қалбим ларзага келди. Кўзларим намланди. Нимадан? Ўз тўлақонлилиги, жонлилиги, зийраклигидан маҳрум бўлган, бор қувватини сарфлаб ожизлашган ҳаётнинг заиф талвасасиданми? Ҳаётини қизиқишларнинг фақат бир тушунчада яхлитлашиб ғариблашганиданми? Билмадим, билолмадим... Мен кампирнинг кўр эканлигини тушундим. Қалбимда унга нисбатан кучли меҳр уйғонди. Меҳр кўз ёшларида моддийлашиб, юзимни ювди, қалбимдан ғуборни соқит қилди. Мен кампир билан, кампир орқали бутун инсоният билан, бутун табиат билан чамбарчас боғлиқ эканлигимни туйдим. Нега? Нега заифлик, мунг, ғариблик қалбимни ўртайди, тўлқинлантиради, гарчи мен қувонч, завқ, сурур, мамнуният тарафдориман, ҳолбуки улар кўзимни яшнатиб, қулоғимни эркалаб, ақлимни хушлагани ҳолда қалбимни жимирлатишга ожизлик қилишади...

Фақат бир нарсага ақлим етмайди. Нега у вақтни бетиним сўрайди? Ҳолбуки, жавобнинг моҳияти унинг онгига етиб бормади ҳам шекилли. Ҳозиргина мен уни беҳаёларча алдадим. Лекин, у буни сезмади. Эҳтимол унинг учун алдов деган тушунчанинг ўзи йўқдир? Қизиқ, нега фақатгина битта савол билан мурожаат қилади? Эҳтимол, у яшаётган ҳар бир дақиқасини сўзлар шаклида моддийлаштириб олмоқчидир? Балки, бу мунис кампир уддабурон, вақт отини тинимсиз қамчилаётган, ўзлигини унутиб қўяётган инсониятнинг уйқудан уйғониб, ўз танасининг аҳволдан даҳшатга тушган ва ўз ожизлигини хасталарча тийраклик билан ҳис қилаётган виждоннинг моддийлашган тимсолидир?...


Уйга кираман, қулоғимга Алла холанинг шўх кўшиги чалинади: "Лев Толстой в свои года, не писал тако-го!" Мен бундан ношудларча қувонаман, зероки, мен инсониятнинг Лев Толстойдан юқорироқ авлоди вакилиман, ўз камолотидан мамнун мағрурликдан кўзини мой босиб, қалби қурумга тўлиб аждодларини унутган авлоди вакилиман. Ҳаётимнинг илк босқичларидаёқ Лев Толстойдан ўзиб кетганим ҳолда, ҳеч қачон унинг соясидек ҳам бўла олмаслигим мени безовта қилмайди. Қолаверса, бу мен каби акселератларнинг ютуғи эмас, минглаб қария толстойларнинг хизмати эканлигини эслаб ҳам ўтирмайман...

Яна дарсга жўнайман, — анойи Арасту, соддадил Руссонинг инсоният тараққиётини тушунишдаги хатolikларини фош қилиш учун! — йўлда яна ўша ўзгармас савол қарши олади:

— Соат неччи бўлди, болам?

Мен кампирга жавоб берганим ҳолда, шу давр мобайнида қилинган ишлар юзасидан ўзимга ҳисоб бераман. Бирдан, буюк бир ҳикматни тушуниб қолдим: кампир вақт оқими билан қизиқмайди, йўқ, у мулоқотга, инсоний мулоқотга муҳтож! Лекин, ўз қавмдошларининг вақtlари тифзлигини билганлигидан, мулоқотнинг энг содда усулини танлаган, гарчи бу мулоқот на қалбга ва на ақлга ҳеч нарса бермасада, жонли мулоқот, мазмунли нутқ! Мазкур кашфиёт менинг ҳаётни тушунишимни мисли кўрилмаган даражада бойитгандай бўлди. Инсоний мулоқот ўзгача, теран бир мазмун билан бойитгандай бўлди. Ҳаётимнинг қадр-қиммати бир миқдор кўтарилгандай бўлди. Мен кимгадир керакман, менинг борлигимни кимдир сезиб турибди! Ҳар бир ўтишимнинг ўзида бир муштипарнинг ҳолатини чиқараяпман. Бошқа бир ҳаётга қандайдир усулда бўлмасин озгина бўлсада нафи тегадиган ҳаёт, ўша келтирадиган нафининг ўзи билан ўзининг мавжудлигини оқлайди, беҳуда эмаслигини исботлайди...

Қиш кириб, кунлар совиб, кампир ғойиб бўлди. Биринчи кунлари ҳаётимда ғашга тегувчи қандайдир бўшлиқ вужудга келгандай бўлди. Ҳар ўтишимда кампир ўтириши керак бўлган жойга интиқлик, хавотир билан қарайман: кампир йўқ. Бундан эзиламан, ташвишланаман, яна ўз ташвишларимга берилиб, уни унутаман. Қувонч онлари, омадёр пайтларда қалбимнинг кичик дардини эсламайман. Рутубатли дамларда, омадсиз кунларда, ғусса онларида нимадир етишмаётганлигини — кампирнинг ғойиб бўлиб қолганлигини эслаб қоламан, унинг мунис сиймосини қўмсайман, мунгли овозини қўмсайман, содда саволини қўмсайман... Бувижон, қандайсиз? Овоз беринг "Соат неччи бўлди, болам?" дея қолинг!





ДАДАМ МЕН БИЛАН РАСМГА ТУШАДИМИ?

Салом “Ёш куч”!

Мен ушбу кунда туққан онажонимга ҳам, туғишган жигарларимга ҳам айтолмаган сирларимни, гапларимни сенга айтаяпман. Айтмасликка иложим қолмади. Ёшим 23 да. Иккита қизим бор. 19 ёшимда турмушга чиққан эдим. У 21 ёшда эди. Гарчи у онамга қариндош бўлса ҳам бизлар илгари бир-биримизни танимасдик, лекин жуда аҳил яшардик. Мен у хонадонга биринчи келин бўлиб тушгандим. Уларнинг оиласи катта эди. Шунинг учун ҳар бирининг қалбига йўл топишим керак эди. Ўзга ўйга ўрганишим анча қийин бўлди. Келин бўлиб тушган кунларим биронта ишга қўлим бормади. Ҳаммаларини ёмон кўриб кетавердим. Қиз бола кўникиб кетади деганлари рост экан. Мен ҳам кўникадим. Бир йилдан сўнг бизлар қизчаллик бўлдик. Меҳримни қизчамга қўйдим. Қизим бир ёшга тўлган кунларда эримдан кўнгилсиз гапни эшитдим. Кўзларимга тик қараб “мен яна уйланаман” деди. Қўтилмаганда бу гапни эшитиб гангиб қолдим ва ҳеч нарса демадим. У ҳам ҳеч нарса демади ва чиқиб кетди. Мен ўйланиб қолдим, хаёлимда ҳозир етаклаб келаётгандек бўлаверди. Қайси қиз сочини тараб ўтирибди, эслик қиз хотини боласи бор эракка тегадими деб ўзимни овутидим. Орадан 2 йил ўтди, иккинчи қизимиз ҳам туғилди. Оиламиздаги етишмовчилик, камчиликлар тўфайли қайнонам савдогарлик қиларди. Эрим ҳам ёрдамлашарди. Ўзга юртларда, ўзга хонадонларда ҳафта, ўн кунлаб қолиб кетарди. Кейинчалик эрим ойлаб ўйга келмайдиган одат чиқарди. Чиқарди-ю, ўзи ҳам ўзгариб қолди. Шу йил апрелнинг бошида уйдан чиқиб кетиб июннинг охирида қайтиб келди. Уйда қайнонам ҳам, қайнотам ҳам йўқ эди. Савдога чиқиб кетишганди. Эримда қандайдир ўзгариш борлигини бир қарашда сездим, унинг менга унчалик гапиргиси келмасди. Қизлари эркаланиб тиззасига чиққан эди шимимни расво қилдинг деб бир шапалоқ уриб юборди. Худди мени ургандай бўлиб кетди. Жаҳлим чикса ҳам тишимни-тишимга босиб туравердим, у кийган шимлар унча мунча арзон шимлар эмасди. Кўз олдимда 4 йиллик эрим турганига ҳеч ишоналмайман. Жуда-жуда ўзгариб кетган, устидаги кийимлари ҳам ниҳоятда ўзига ярашарди. Ўзи ҳам ҳинд йигитларига ўхшаб қорача, ниҳоятда чиройли. Қизчам бешиқда эди, йиғлаб қолди, ўйга кирдим, орқамдан эрим ҳам кирди. Менга бир куч келиб эримни бўйнига осилмоқчи, бағрига ўзимни отмоқчи бўлдим. Аёллик гурурими ёки хаёми бунга йўл қўймади. Қизчамни бешиқда эмизавердим. Эрим ҳеч нарсани билмагандек олдимга ўтирди-да, ён чўнтагидан расм олиб, иржайиб менга берди. Қарасам эрим ўзга (аёлми, қизми) қиз билан кучоқлашиб турибди. Қиз ниҳоятда чиройли эди. Шунчалик чиройли бўлса ҳам

кўзларимга жуда хунук бўлиб кўринди. Расмни қўлига бердимда боламни эмизавердим. Эрим астагина мени ўпиб қўйди. Гўёки ўзича шу ўпич билан мени юпатгандай бўлди. Кўзларимдаги тирқираган ёшларни яширдим-у, кўнглимдаги аламни яшира олмадим. Боягина эрим деб бағрига отилмоқчи эдим. Энди нафратланапман. Соғинч ўрнини бирпасда нафрат эгаллади.

“Нега бу қиз билан расмга тушдингиз, тўрт йиллик хотинингиз эдим-ку мен” дегандим, у кулиб юборди. “Мен ўшанга уйланганман. Қиз ҳам онаси ҳам кўнган, тўйимиз ресторанда ўтади, вес самарқандлик дўстларимни тўйга таклиф қиламан,-деди. — Лекин сен ҳам тушун сени ташлаб қўймайман. Сен биринчиси у иккинчиси бўлади”, деб кулди. Кулди-да “мен кетдим савдогарликка” деб чиқиб кетди. Икки соатгина уйда меҳмон бўлди, худди туш кўргандай. Катта қизим (3 яшар) “Дадажон кетманг” деб йиғлаб қолди. Қизимни кўз ёшларини кўриб мен ҳам йиғлаб юбордим. Қизчамни кўтариб ўйга кирдим-да, бояги расмни кўрсатдим. Қизчам “ая, дадам кимни кучоқлаб тушди, мени кучоқлаб расмга тушмайдими” деди. Мен кўзларимдаги ёшларни яшириб “сени ҳам кучоқлаб расмга тушади жон қизим” дедим. Қизим тинмай савол берарди: Ая, дадам қачон келади? Эртага келади-ми? Ая, дадам келса мени кучоқлаб расмга тушадими-а? Ая, сизни ҳам дадам кучоқлаб расмга тушадими? Қалби кўнгли пахтадай оппоқ болажонимга нима деяримни билмай қолдим. Орадан уч кун ўтди, қайнонамлар келди. Қайнонамга ўғлини келганлигини айтдим, расмни, гапирган гапларини айтмадим. Айтмадим. Қайнонамдан кўрқдим, уришиб беради. Уришса ҳам айтишим керакмиди, “Ёш куч”! Бир оғизгина ўғли ҳақида гапиргандим “ўзини эпласа ўзга юртда юраверсин”, деди. Ўша кун эрим чиқиб кетаётган вақтда: “Ҳаммасига кўнаман, сиз ҳам кўнасиизми, уч ойлик болам бор экан, олдираман” дедим ёлғондан. Эрим: “йўқ, олдирмайсан балки ўғилдир”, деди.

Эрим кетгандан бери ўйланаман: “наҳотки устимга кундош...” Мана расм ҳам шу ерда, эрим кучоқлаб турган қиз кулиб қараб турибди. Эрим хотин олса мен яна онажонимни олдига икки қизим билан қайтиб бораманми. Дугоналарим олдида қанақа одам бўламан. Мен тўй бўлганимдан кейин, отамни ўлим орамиздан олиб кетди. Ўйга қайтиб борсам, ёлғиз онажоним мени дардларимга чидармикан?! Онамни ҳеч ҳам қийнагим келмайди.

“Ёш куч” ҳеч кимга айтмаган гапларимни сенга айтдим, сендан ёрдам сўраб, нажот кутиб ёздим. Менга йўл кўрсат. Адресимни эълон қилма.

Б.Д. Самарқанд.

АЁЛ — ОМОНАТДИР

Тошкентнинг “Сағбон” кўчасида ажойиб бир табиат музейи жойлашган. Музейда одамсимон маймун яъни Шимпанзенинг жасади қотириб қўйилган. Маймуннинг бўйнига чуқур ботган арқон изи борлигини бир қараган киши сезмаслиги мумкин. Музей ходими шу маймун билан боғлиқ бир воқеани сўзлаб берди.

Маймун бундан бир неча йиллар бурун Цирк биносида ўзини ўзи осиб қўйган экан. Сабаби унинг жуфти яъни эркаги бошқа бир маймунга илакишганини кўриб, чидай олмасдан шу ишни қилади.

Демак, хиёнатта нафақат инсон балки ҳайвонлар ҳам чидаб билмас экан. Агар дунёдаги кечириб бўлмайдиган нарсаларни санайдиган бўлсак улардан биринчиси хиёнат бўлади.

Бу иллат бугун дунёга келгани йўқ, у азалдан мавжуд. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун ҳаётида бир воқеа юз берган экан.

“Шоҳ жаллодлари ўз жуфти ҳалолларига хиёнат қилганликда айбланган икки жувонни дор остига олиб келадилар.

- Бул қадар кўркам ҳусну малоҳат фақат фаришталарга берилур, Маъмура биби. Бул ҳусну латофатни топтамоққа сизни не мажбур этди? - деди малика нигоҳини гўзал келинчаққа қадаб.

Аёл оппоқ, узун-узун бармоқлари билан юзини тўсаркан, оҳиста сўзлади:

- Худованди жаҳон... гуноҳим бўйнимдадур, жазодан кўрқмасман. Мен парвардигори оламнинг ниёти билан ўчимни олдим... Бошқа сўзим йўқдир...

Бу мардона гап маликага ёшлигини, келинлигини, эри - Хоразмшоҳ Алоуддин Такешнинг изидан Боғи Эрамга бориб, хос ходимларининг қаршилигига қарамасдан қишки, ойнаванд ҳовузчали ҳаммомга киришга журъат этганини ва ўшандаги изтиробларини ёдига солди. У бир умр ўшал кунни ланатлаб ўтади. Оппоқ ҳовур кўтарилиб турган мрамор ҳовузчада эри ўн чоғли канизаклар билан чўмиларди. У қандай қилиб ортига қайтганини, ҳаммом эшигини қулфлаб, калитини гулзорга улоқтирганини, берк ҳаммомда нафаси қисилиб ҳолдан тойган Хоразмшоҳ ва канизакларни қандай қилиб қутқаришганини билмайди. Билгани: уч ой тўшақда нону туз тотмай миҳланиб ётгани, кейин эридан ўч олиш учун муносиб одам излагани, лекин ўша муносиб инсонни бир умр тополмай, қайноқ вужуди совуб музга айлангани, навниҳол танаси саҳро гуллари каби эрта сўлиб қаригани...

Туркон хотун чуқур уҳ тортди. Кейин ўрнидан туриб, халойиққа юзланди: - Биродарлар... Падари бузрукворлар... Волидаи муҳтарамалар... - Маликанинг овозидан ҳамма бирданига сергак тортди. - Барчангизга аёнки, аёл зоти ҳеч қачон ботир ва довюрак, вафодор ва меҳрибон, яъни эрликка муносиб ўғлонларга хиёнат қилмайдур. Бугунги жазога бул ожизаи нисолар эмас, Аларнинг... аларнинг тан маҳрамлари, йигитликка номуносиб ул каспар лойиқдур! Менинг ҳукмим шул! Лойиқ кўрсангиз, фотиҳа беринг!

Оломон орасидан “Омин” деган гулдуросли овоз янгради. Ҳамманинг нигоҳи дор яқинида бошини эгиб ўтирган икки кишида эди. Элчилар, меҳмонлар ва мулозимлар маликанинг ҳукмига ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар”.

Шарқу-ғарбда қадим-қадимдан хиёнаткор аёлга ҳам эркакка ҳам турли хил жазолар белгиланган. Бугунги кунда ҳам шундай жазолар қўлланиши тарафдори эмасмиз, Асло! Аммо жаҳон халқлари тарихида қайсидир миллатда хиёнаткор эркакларга берилган қуйидагича жазо кишиларни ҳанузгача ҳушёр торттиради. Бундай эркакнинг чап қулоғининг юмшоқ жойи кесиб ташланган. Аёллар қулоғининг чандигини кўриб сергак бўлганлар.

Бизнинг тушунчаларимиз бўйича эркак хиёнат қилса кечирилади, аммо аёлларники кечирилмайди.

Йўқ! Умуман ҳар иккисиники ҳам кечириб бўлмайдиган гуноҳ.

Диний китобларда ёзилишича, Одам Ато яратилгач, у зерикмасин учун унинг жуфти яратилди ва аёл зоти унга омонат қилиб берилди, дейилди. Яна яратувчининг ваъдалари борки, кофир каззоб ёки ҳар қандай одам кечирилиши мумкин, лекин мунофиқнинг кечирилиши жуда мушкулдир. Мунофиқ бу омонатга хиёнат қилувчилар. Омонат эса — аёлдир. Уни сақлаш эркакнинг қўлида.

Сурайё ЗОҲИР



Бир нафас

Шавкат РАҲМОН

ХАЁЛЧАН

ЎСМИРТА ДЎНСАМ

МУНОЖОТИ

Фақат ишқ...
 Фақат ишқ...
 Бошқаси сароб,
 бошқаси шамолнинг оний сурони.
 Қирқта тар улмини айладим хароб,
 қирқта қур кўзи-ла кўрдим дунёни.
 Қирқта қора қур ётар мазийда,
 қирқта ёришни нуқотган бекман.
 Абадий айрилдим қирқта юзийдан,
 бошимни тошларга урсамми дейман.
 Бу дунё нимадир?
 Сарини кўрдим,
 суртону гадонини қазрини кўрдим,
 Фаёзалий сийлаган тубан оламда
 шайтондан тўзралган гайирини кўрдим.
 Фақат ишқ...
 Ишқ улми...
 Самовий улми...
 бир нафас дилмига посивон бўлсин,
 тоқим шу нафасда қирқ бирини қурини
 ёрур лабларида ҳўрсиниқ сўрсин.
 Тўхмат мурдаларни қалашиб ётган,
 ивалар кўртлаган шўрлик днёрда
 Замону маконини буткул нуқотган
 бир улур фарёднинг
 боласи-Зорман.
 Ай, қилмидай тўйму,
 ай, қотил тўйму,
 бас, ортинқ қилмама кимсасиз даштда,
 юзимга юзини кўйсин ўшал ул,
 дилминини қазрини лавақлаб ташта.

БИРОВНИНГ ҒУЛИ...

Девогга-ўралган ҳовли нинда
 ариқча лабга эгилган кўйи,
 атирғул ўртанар қилминини ишқиди,
 эпкитдан қалтирар,
 тўзган ўйи.
 Ёй десам,
 атирғул ёмон пилтради,
 тўқилтиб кетдимни дедим ҳидларни,
 нураган деворинини берги ёнда
 бузилган юратим нозик пилтради.
 Шундоқ ул...
 кимсасиз ҳовли нинда,
 бегона нигоҳдан пилтради муғла.

Муғлалар хокисор қилминини ишқиди,
 авжиди оғилган,
 эмасди урга...
 Шундоқ ул...
 халми боқар ҳаёсиз,
 ахир сал яшурса дейман дардларини,
 эҳ, шўрлик,
 тобора кўёш аёвсиз,
 ҳадемай тўқилар баҳмал бариларни.
 Бир ўтли нигоҳдан пилтради ёмон,
 ҳўрғатли бир кўйинини садқаси, қули.
 Ўзям қулмасан ул эди, аммо
 бировинини қулиди,
 бировинини қули...

ПТҲМАТИ

Қола ўри бўлди,
 буру ваҳшиндир,
 эди бутун дунё билар бу ҳақда,
 Қандай мўмин эди,
 қандай аҳшинди
 анқайиб жиминга теганда пахта.
 Қайта қурини ўзи иқди қайданам
 юксак қалғалардан боққан ўрилар
 улкан мамлакатинини бутун айбини
 содда ўзбекларга кўйди тўйрилар.
 Шунда буюк денгиз гайқалиб кетди,
 майдонларни босди бир юввош зуғлат.
 Шоғилар уйғота олмаган элни
 уйғотиб юборди маломат, тўхмат.
 Қола ўри бўлди,
 буру ваҳшиндир,
 бўлтонга қуриниб туғар асабий.
 Ўзи майдонларга сийдира олмас,
 болалар қонга ўтар газаби.
 Аҳшинлик туғди ёмонлик ҳам юх,
 бўлмаса озинга кўйсалар мақтаб,
 буру ҳам сахардан қаро шомлага
 жиминга илқайиб тегарди пахта.


ПАРИҚАТИ

Дунёга сиймадим,
 сиймади дунё
 нурбатда тоғайган табнатимга,
 қоп-қора гелакдай соғилмиш ҳўё
 ҳўрларда қўрилган тарикатимга.
 Майлига,
 гелаклар қоп-қора бўлсин,

йиқитса, шу йўрда йиқитсин тақдир,
 қуртлаган истаклар шугласи сўлсин,
 худойим сийлаган хуртишим яхши.
 Ёнилан кулларини,
 қуръодаларини
 малак сиймоларни ўйнаган дунё,
 яраган лаҳзадан хур одамларни
 ибтислар тилида сўйлаган дунё.
 Чироғли эрмаклар маҳзанидир у,
 мағзи қайғудан,
 пустилом Зардан,
 саргарар оғилмай туриб қизил ур,
 туфроғи жимгина қусган Заҳардан.
 Чанқалар жаҳолат оюкларидан
 нега мени Маширабу
 Мансури Халлоқ...
 ҳамон юксатади йўри бошларидан
 одамзод қонига туғилган ҳаллод
 Шокай бу ибтислик,
 токай бу ёлгон,
 токай пин қўтарар қора нурулар,
 токай биҳиш ётар қариб оломон
 илти тириклай қўрилган руҳлар.
 Зулфиқор руҳ керак,
 керак уни ёду,
 уни нишқ ёлқитларни бағримга туғсин,
 жисминини товласин фақат уни оғрик,
 тилаклар қоп-қора бўлса-да, бўлсин.
 Бағри кен худойим
 келтириб қўяр,
 йиқитсам етмай ур ҳақиқатимга,
 қўрилсам, қўрилмай ўлимни ўзгал-
 ҳўмардлар қўрилган тариқатимга.

СОҒИНАЧ

Кишанлар синганда...
 тилак тақмадим...
 хуррият насим кезганда хур-хур,
 қилминини тилида дурдай ёлтилади
 қўзларим тубинда қолган ёвуз нур.
 Сўнмади уриғимини ярминини берсам.
 Сўнмади дам тодирини қаён тикайлик,
 юзминини соғиниб сийлагани десам,
 эй, воҳки, нетайини,
 қўлим тикайлик.
 Оғзим тўра оғрик...
 Тош каби тилим,
 адобли лаҳзалар буткул кетарини,
 ададсиз ёлларга тош отма, дилим,
 бу доллар етарини,
 тоғлар етарини?
 Дарёлар сувинда бағримини ювсам,
 илҳомий каломда қаҳримини ювсам,
 вайрона нинда қошона қурсам,
 бу доллар кетарини,
 доллар кетарини.
 Вақти бер,
 қўиларга ошно бўлайини,
 ёвуз нур илҳомини қўзларим ифра,
 малак қўиларинида ёки ўлайини,
 бир қадаҳ Заҳар бер...
 илободдай илай.



ИҚРОР

Рубобий шөгър ёвсам...
 қайтсам бир нафас...
 ҳаминша мусаффо ёшгани қўрсам,
 қорайган ўққилар қорига қараб,
 бир нафас хаёлган ўсмирга дўнсам.
 Воҳ, ўшал лаҳзалар...
 ўтдинини буткул
 гунашга атирли тансиқ туғиллар,
 саҳарни боғларни ўйотган булбул,
 ойларинини нуруларни элаган сувлар.
 Яшил шаҳар эдим...
 Қандок соғиндим...
 қўзминини яшнатса рубобий ранлар.
 Қайси бир дунёга бунга оғриндим,
 дилминини қаритди бесамар жанлар.
 Мен жангин эмасдим,
 мен шоир эдим,
 ниҳоят, шоирдан қўра Зобитман,
 ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,
 нафсига қўиланлар калди оқибат.
 Ҳаромини хуш қўрган маслақфурушлар
 Зинирдай ҳимматини қилганда миннат,
 яфроқдай сарғордим бурак урушда
 мусулмон йўқ эди,
 йўқ эди миллат.
 Ёас, қўшлар сайроғи,
 яфроқларни мўр
 яшил шаҳар каби турай мушаккал,
 илҳомим ҳақида сўйласинлар хўб.
 Заҳарли тилимдан тўқилсини шаккар.
 Рубобий сабалар руҳимдан эсини,
 қайтадан ўйгонсин илҳомий тугён.
 Воҳ, яланг шоҳларим қилнидан кескир,
 бир яфроқ қалмаптин шибирлайтуғсон.

Бахтиёр Тўраев
спектакллари

ОЛАМ ҲАЗИ — ҲАҚИҚИ САҲНА

Ушбу қадим ҳулосани одамзод театр саҳнасида акслантирганига балки минг йилдан ошгандир. Бунинг санъат деб биламиз. Қалбчи? У ҳам оламнинг муъжаз саҳнасими? Балки у ўн саккиз минг олам томошалари кечадиган ҳадсиз-ҳудудсиз саҳнадир. Ана шу буюк томошагоҳни театр саҳнасида акслантира олиш балки ҳақиқий санъатдир. Ҳамза театрининг бош рассоми Бахтиёр Тўраев саҳнасини беазаган спектакллари кўрганда у худди ана шу мезонлар билан асар яратадиган ижодкор эканлигига иқрор бўласиз. У томошани аввал ўз қалбида кўйиб кўради, барча ролларни битта актёр -Бахтиёр ўйнайди. Театр саҳнасига кўчираётганда эса хаёллари қадар юксакка чиқиб бошқаради - режиссёрлик қилади. Бу муболаға эмас, унинг образлари, ранглари, шакл ва нурлар воқеани бошқаради, гапирди. Ва бу сўзлар - пьесада кечаётган воқеаларни кузатаётган мусаввирнинг хаёллари, унинг фалсафий мушоҳадалари эканлигини англайсиз.


Бахтиёр учун воқеалар эмас, уларнинг сабаблари, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари эмас, улар қисматининг моҳияти муҳимроқ. Шунинг учун ҳам саҳна беазаги—декорация томошабинни фақат воқеалар ҳақида эмас, дунёнинг ўйинлари, ўзининг шу ўйинлардаги иштироки, умрининг мазумуни ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Маълумки спектаклни уч ижодкор дунёга келтиради: муаллиф, режиссёр, рассом. Шулардан қай бирининг тасаввури кучли, дунёқараши бой, гоёси салмоқли

бўлса, пьеса ўшанинг фикрига қурилади ва ўшанинг номи билан юритилади. Биз "Шароф Бошбеков асари" ёки "Баҳодир Йўлдошев кўйган спектакл" деган номлашларга ўрганиб қолганмиз. Лекин ўзбек театр санъатида "Фалон рассом кўйган пьеса" деб сўз юритиш ҳозирга қадар йўқ эди. Тўғри, Бримм ўзбек театри декорациясига қатор янгиликлар олиб кирди, ўз мактабини яратди. Ана шу мактаб таълимини олган Бахтиёр пьесани рассом гоёсига қуриш мумкинлигини исботламоқда. "Абулфайзон", "Ёрқиной", "Қатағон", "Амир Темур" спектакллари бемалол "Бахтиёр Тўраев кўйган спектакллар" деб аташ мумкин.

Бахтиёр ижодидаги энг муҳим хусусият - миллийлик. Унинг миллийлиги саҳна безаклари ёхуд қаҳрамонлар либосларидан излаш керак эмас, миллийлик унинг тафаккур тарзида, услубида, тилида. Маълумки Шарқ санъати рамзлар ва тимсоллар санъати. Шунинг учун ҳам Бахтиёрнинг саҳна учун ишлаган асарлари ҳақида рамз ва тимсолларни шарҳламасдан гапириб бўлмайди:





“Амир Темури” /Чимкент театри/

Лахтаклардан тикилган ер шарни сахнада муаллақ турибди. Жаҳонгирлар, фотиҳлар армони, дарё-дарё кўзёши ва қонлар боиси ана шу ер, кимлардир унга эрмак, ўйин қилиш талабида. Балки ер учун унга интилганлар эрмакдир. Одамзод нимага интилганини бирор марта ўйлаб кўрганми? Улкан бир савол сахнада муаллақ турганга ўхшайди. Ер шарининг гирд тевагага боғланган ўнлаб арқонлар заминга қадар узалиб тушган. Шоху гадо ҳам, дўсту душман, фарзанду волидалар ҳам ана шу арқонлардан маҳкам тутган — ер уларга, улар ерга боғланган. Қирғини босқин авж олганда издиҳом азобда тўлғонади — арқонлар чор атрофга таранг тортилиб ер шарни ҳам безовта тебранади. Ер шарни ичида тўлғанаётган қизғин яшил нурлар шўъласида масжиду мадрасалар, авлиёларнинг мақбаралари тасвири аксланаверади — аждоқлар руҳи безовта бўлмоқда. Саҳна узра оқ ва қора қанотли фаришталар бетиним чарх уради — эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулматнинг абадий кураши рамзи.

“Темури ва Боязид” /Термиз театри/

Саҳна ўртасига баҳайбат бир тугун тугиб ташлаган — жумбоқ. Бу сирли синоати англаман, англаб бўлмайдиган дунёнинг рамзи. Инсон болаларининг оламга солаётган шўришу ғавғоларидан мақсаду мурод не эканлиги ҳам — Худодан бошқа ҳеч ким ечиб беролмайдиган саволлар тугуни. Одамзоднинг ўзи нима — бу ҳам тафаккурдаги тугун. Уни ечишга мингйилликлар, асрлар, йиллар ҳам ожиз. Тарих ҳам тугун ва жумбоқ, нималар ҳақиқату нималар ёлғон ҳеч ким билмади. Қолаверса Соҳибқироннинг ҳаёти, орзу армон-


лари, кўнглидаги кечинмалари ҳамон ноаён, ҳамон сир, ҳамон тугун эмасми.

Баҳайбат тугун устида масхарабоз қўлини иягига қўйган ҳолда ўй суриб ўтирибди — одамзоднинг ўз-ўзига кулгили ҳам аччиқ кинояси. У тугунни ечиш ҳақида ўйлаётганларни, уларнинг шу ўйларини-да масхара қиляптими?! Балки салтанатларни бузиш ва тузиш учун кўрсатилаётган жидду жаҳдлар, тумон-тумон авлодларнинг шу ўйда сарф бўлаётган умрларининг, музаффарлик шўёнлиги-ю мағлублик аламларининг, мунофиқлик ва садоқатларнинг баҳоси ва шу масхарабознинг бемаъни бир табассуми билан ўлчанади. Масхарабознинг ўзи ҳам яна битта тугундир эҳтимол.

Қаҳрамонларнинг либослари ҳам тугунни эслатади, тўғрироғи улар ҳаракат қилаётган жонли тугунларга ўхшайдилар. Саҳнага катта-кичик тугунлар бетартиб сочиб ташланган, ўйновчилар ҳар лаҳзада ушбу тугунларга урилиб кетадилар, қоқиладилар — умрнинг саволсиз бирор дақиқаси ўқ. Томоша якунида ана шу бетартиб тугунлар осмону фалакка кўтарилади, гўё юлдузлар ва сайёраларга дўниб ранго-ранг нурлар таратади, нигоҳларни алдайди, яна тугунларни ечмоққа чорлаб аврайди.

Воқеа давомида масхарабоз баҳайбат тугунни ечиб кўрсатади, тугун очилиб гоҳ саройга айланади - ичида яна тугунлар, гоҳ ғорга эврилиб очилади — ичида яна тугунлар — воқеалар, тақдирлар, ҳаёт ва ўлим тугунлари. Тугунни ечмоқдан маъни бормикан — бу ҳам жумбоқ, тугун. Абсурд театр — шу фикр хаёлингизга келиши билан очилган тугун яна ўз ҳолига келади, устида эса ҳамон масхарабоз қўлларини иягига тираб ўй сурмоқда.

Азиз САИД



Нажмиддин КОМИЛОВ.

ИНСОНДАН ИЛОҲГА

(Мирзо Бедил сийрати)

Улуғ сиймоларга бой бўлган Шарқ адабиёти тарихида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644—1721) алоҳида мавқеи бор. Инсон ҳаётини чуқур таҳлил этиб, фалсафий-ирфоний ғояларни оташин ва сермаъно сатрларда тасвирлаган бу шоир “Абулмаоний”, яъни маънолар отаси деган лақабга мушарраф бўлади. У классик шеърятнинг қарийб ҳамма жанрларида ижод қилган дарё мисол бир ижодкор эди. Кўп сонли ғазал, рубоий, қитъа, маснавийлардан ташқари, “Ирфон”, “Тури маърифат”, “Мухити аъзам”, “Тилисми ҳайрат” номли дostonлар, “Чор унсур” номли насрий эсдалиқлар асарини ёзгандир. Адибнинг мактублари, “Нуқот”, “Ишорат ва ҳикоёт” номли асарлари ҳам бор. Бедил ижоди — бу файласуф сўфий шоирнинг тафаккури ва кечинмалари, ҳаётга, илоҳга, инсонга муносабати, анъанавий ҳикматларни янги замон талаблари билан мувофиқлаштириб, халқнинг дарду ҳасрати, турмуш чигалликлари ва олий ҳақиқатларни ифодалаган ўзига хос бир мураккаб ва жозибали бадиий оламдир. Турган гап, шоир барча нарсага илоҳий-сўфиёна назар билан қарайди, инсон улуғворлиги ва ожизлигини, қазову қадар кўлида жонсарак, ўйинчоқ бўлган ва ўз-ўзини зулму ситам тигила абгор этувчи кишиларнинг аччиқ қисматини ҳам, илоҳ ошиғи бўлмиш қаландар солиқнинг мажзубона жунуни, ҳайрат ва ҳаловатини ҳам қаламга олади. Аммо Мирзо Бедил (“Бедил” дегани “дилини йўқотган” деган маънодадир, яъни кўнгли маъшуқа — илоҳ кўлида) шунинг учун ҳам маънолар отасики, унинг асарларида инсон руҳияти, қалби, турмуши ҳақида, оддий ҳаётини масалалар ҳақида чуқур фикрлар мавжуд. У инсонни ҳар тарафдан ўрганишга, унга унинг ўзини кўзгу қилиб кўрсатишга интилади. Умуман, Бедил ижоди — бу инсонномадир. Шоир комил инсоннинг хислатларини ердаги одамлардан излайди, инсонни ўзини танишга, буюклигини англашга даъват этади. Унинг тасвирига кўра, “инсонда икки дунёнинг асрори мужассам, балки у икки дунёдан улуғроқдир”. Бедил ваҳдати вужуд фалсафасига эътиқод қўйгани кўриниб турибди, яъни оламнинг Ягона руҳ тажаллийси орқали бошқарилиши, ҳар бир заррада шу Ягона Мутлақ жавҳарнинг зухури борлиги таъкидланади. “Мухити аъзам” (Буюк ўкёнус) номли дostonда

оламнинг яратилишини майнинг кўпириши билан қиёслайди — май бу ўринда илоҳий тажаллий—нури мутлақ бўлиб, оламнинг ҳаракати, жамоли шундан, дейди у. Одамларнинг тиниб-тинчимас ҳаёти, орзу-армонлари, фикр-ижодлари ҳам шу майдандир. Бу май гўё бир олов, у кишини ҳамиша маст этиб, ўз асли — раббига тортаверади. Бутун олам—Ягона руҳнинг ижоди. Ўша туфайли мавжуд ва Ўшанга қайтади. Инсон руҳи ҳам оловдир, у жисми ёндириб кул қилмагунча тинчимайди:

*Зи по наншаст оташ но нашуд
хокистар ажзояш,*

*Ба саъйи нести ҳам ғайрати кор
инчунин бояд.*

(Ўт вужуди кул бўлмагунча тинчимайди, йўқлик сари интилиш суръати шунақа).

Аммо Бедилнинг бошқа сўфий шоирлардан фарқи шундаки, у илоҳдан инсонга қараб эмас, балки инсондан илоҳга қараб боради. Бошқача айтганда, шоир фано ва бақо ғояларини куруқ тасвирловчи эмас, илоҳий муҳаббат ҳам мавҳум ва предметсиз нарса эмас. Бедилда тасаввуф ғоялари инсон кечинмалари орқали боради. Инсон—тилсимотлар ва сеҳру санъат кони, айни вақтда, изтироб ва покланиш, тинимсиз камолот ҳам инсонга хос.

У ёзади:

*Чист одам? — тажаллийи идрок,
Яъни он фаҳми маънии “лавлок”.
Аҳадият — бинойи маҳками у,
Алиф афтод иллоти дами у.
Доли у мағзи аввалу анжом,
Ки дар у ҳадди ваҳдатаст тамом.
Мими он хатми хилқати олам
Ин бувад нуқта — маънии одам.
Кулзуми коиноту ҳар чи дар уст,
Жўши бетобии ҳақиқат уст.
Зохиру ботинаш ҳудусу қидам,
Сурату маънияш вужуди одам.*

(Одам нимадир? — идрок тажаллийси. Яъни у — “лавлок” маънисининг тушунилиши. Унинг мустаҳкам биноси — аҳадиятдир, “алиф” — бирлик унинг руҳига сабаб. Бу сўзнинг “доли” (араб ёзувида одам сўзи “алиф”, “дол” ва “мим”дан иборат) аввал ва охирнинг маъзи-моҳияти, унда ваҳдат чегараси батамом акс этган. “Мим” ҳарфи алам-дарднинг қайдидир. Одамнинг маъноси шу. Одам — коинот денгизи ва денгиздаги бор нарсалар унда мавжуд. Ҳақиқатнинг бетоқат қайнаши ҳам удир. Одамнинг зоҳири ва ботинида илоҳ ва дунё, азалийлик ва фонийлик акс этган, унинг сурати ва маъносида борлиқ ва йўқлик мужжассам.)

Шоир инсонда бутун оламлар хусусияти ва моҳиятини кўради. Бугина эмас, олам инсон туфайли яратилган: “лавлок” сўзи “Лавлака лимо халақту л-афлок” деган ҳадиси шарифнинг бош сўзи бўлиб, ушбу ҳадиснинг маъноси “Агар сен бўлмасанг, осмон-фалакларни яратмаган бўлар эдим”. Бу — парвардигорнинг ўз ҳабиби Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга юборган ваҳийларидан бўлиб, Бедил оламнинг Муҳаммад нури туфайли яратилгани ва ҳазрати Мустафо комилларнинг комили — комил инсон тимсоли эканига ҳам ишора этади. Яъни одам шунчалик шарафлики, Худойим таоло барча мавжудотни унинг учун яратиб, малакларни сажда қилдирди, барча ҳикмат ва илмларни қалбига жо этди.

Инсон ана шу улугворлигини англаши — ўз-ўзини таниши керак. Бунинг йўли тариқатга кириш, мақомот зиналаридан кўтарилиш, дунё ҳирсу ҳавасидан кўнгил узишдир. Жисмнинг озукаси овқат бўлса, руҳнинг озукаси илм ва ирфондир, дейди Бедил. Одамлар Ҳақни излайдилар, аммо Ҳақ ўзларида эканидан беҳабар:

*Ту Ҳақ межуйию аз хеш гофил,
Зиҳи бетухмию уммед ҳосил,
Мабош аз жуштужуйи хеш навмид,
Ҳамин нур аст раҳбар то ба хуршид.*

(Сен Ҳақни излайсан, аммо ўзингдан беҳабарсан. Уруғни кўрмай, ҳосилдан умидворсан. Ўз-ўзингни излашдан умидсиз бўлма, кўёшгача шу нур сенга раҳбардир).

Кўёш — нур манбаъи, аммо унга олиб борадиган нур ҳам инсоннинг ботини нуридир. Инсон учун қайғурган шоир кўнгил сўзини зикр этишни севади. Чунки инсон — бу кўнгил. Аллоҳ таоло нури кўнгилда акс этади.

*Ҳар су гузари, дилест афтода ба хок,
Оҳиста ҳиром, обила зери қадам аст.*

(Қайси томонга юрсанг, тупроққа тушган бир кўнгилни кўрасан, оҳиста юргин қадамларнинг кафи ярадир). Демак, кўнгил ўлмайд, чунки кўнгил — руҳ, кўнгил — хотира, абадийлик. Аммо кўнгил — бу илоҳ ошиғининг кўнгли, афтодалиқ шунинг учун, у то қиёмат маъшукасининг дийдорига талабгор.

Яна бир ғазалнинг матлаъи:

*Муддао дил буд агар найранги
имкон рехтанд,*

*Баҳри ин як қатра хун сад рангу
тўфон рехтанд.*

(Имкон олами — моддий оламни хилма-хил сурат ва ҳаракатда яратган эканлар, мақсадлари кўнгил эди. Шу бир қатра қон учун минг рангу тўфон яратдилар).

Шундай қилиб, инсонда ҳам илоҳий ва ҳам дунёвий ҳақиқат акс этган демак, инсонни таниш орқали Аллоҳни таниш мумкин:

*Аз нақши мо ҳақиқати офоқ хонданист,
Чун мавжи корнома дарё навиштаем..*

(Бизнинг суратимиздан офоқ—осмон ҳақиқатини ўқиса бўлади, биз илоҳий ижод дарёсининг мавжи — хатимиз).

Инсон — илоҳий хилқат. У шунга яраша умр ўтказиши лозим, яъни эзгулик ишлар билан шугулланиб, дунёнинг қайдларидан озод бўлиб, ҳар хил расм-русумлар, беҳуда зоҳирий илмларга банд бўлмаслиги керак. Шунда у эътиқодлар, мазҳаб ва динларнинг моҳияти ҳам бир эканлигини англайди. Дарҳақиқат, одамлар турли динларга сифинадилар, лекин Ҳақ ва Ҳақиқат бирдир, дейди Бедил.

Мирзо Бедил маънолар кони. Унинг ахлоқий-ижтимоий қарашлари, сўфиёна хаёллари беҳудуд. Бу денгизга шўнғиган одам албатта гавҳар доналарини олиб чиқади. Бедилнинг фавқуллодда иборасозлиги, теран маънолари, тахайюлга бой шеърляти ХУШ-ХІХ асрларда Ўрта Осиё шоирларининг ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бедил халқимизнинг тафаккурини банд этиб келди. Унинг асарлари мактаб ва мадрасаларимизда кенг ўқитилган, бедилхонлик ва бедилдонлик катта бир анъанага айланган эди. Зотан, Мирзо Бедилнинг аждодлари асли Ўрта Осиёдан бўлиб, Ҳиндистонга кўчиб борганлар ва бобурийлар хизматида турганлар. Шу боис шоирнинг руҳи ва сўзи бизда катта кадр топди. Амирий, Нодира, Ҳазиний, Фазлий, Шоҳин, Ҳайрат, Акмал, Ҳозиқ, Шавқий Каттақўргоний, Мирий ва бошқа Кўкон, Бухоро, Самарқанднинг тожик ва ўзбек тилида ижод қилган шоирлари Бедилга эргашиб, латиф ғазаллар ёзганлар, мухаммаслар боғлаганлар. Асримизнинг олтиншинчи йилларидан бошлаб, бедил асарларидан намуналарни Ғ. Ғулом, Ш. Шомухамедов таржима қилганлар. Академик И.Мўминов Бедил дунёқарашини ўрганиб, катта монография нашр эттирди.

Хуллас, улуг файласуф шоирнинг ижоди қалб кўзини очиш, дунё ғафлати босган дийдаларни бедор этишга кўмаклашадиган маърифат чароғидирким, у ҳеч қачон сўниш билмайди.

Ҳозирги Ёшлар КАТТАЛАР ҲАҚИДА

Ёши улуғлар кўз ўнгларида вояга етаётган ёшларнинг ахлоқ- одоби, ота-она, маҳалла-кўйга ҳурматда бўлиб шаклланишларига ўзларини масъул сезадилар. Ҳалолу ҳаром, рости ёлғон ҳақидаги ўз тушунчаларини ҳаётнинг эртанги эгаларига сингдиришга, ёшларни мудом эзгуликка чорлашга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун уларнинг хатти-ҳаракатлари расо, гап-сўзлари ҳалим-ҳазмли бўлишини кузатадилар, йўл-йўриқ кўрсатадилар. Табиийки ёшлар насиҳатларгагина кулоқ тутиш билан чекланмай катталарнинг ҳам хатти-ҳаракатларига, қилаётган ишларига эътибор берадилар. Демак, ёшлар ҳам катталарни кузатадилар. Куйида, айрим катталарнинг ёшларга маъқул бўлмаган жиҳатлари ҳақида ўқийсиз. Ушбу кузатишлар ҳам балки кимларгадир ибрат бўлар.

ОДОБСИЗ КАТТАЛАР

Автобусга 50 ёшлар чамасидаги киши ҳал-лослаб чиқди. Кавшаниб “жевачка” чайнашини кўрсангиз. Дамодам автобус йўлакчасига “чирт-чирт” тупуриб ҳам кўяди. Кейинги бекатдан яна бир чол чиқди. Кўйлагининг тугмалари нақ киндигигача очик. Ўриндиққа ўтириб катталарнинг одатий ва анъанавий ёшлар ҳақидаги нолишларини бошлади:

“Ҳозирги ёшларда одоб нима қилсин, ота-онаси қанақа тарбия беряпти буларга”...

Шу йил қишда “Бухоро-Тошкент” йўналиши бўйича юрадиган поездда Тошкентга қайтаётиб бир аёлнинг хатти-ҳаракатларини ҳам ранж, ҳам нафрат билан кузатган эдим. Аёл рисоладагидек келишган, ёқимли қиёфали, сочлари ҳам энг сўнгги модада қирқилган эди. Эрталаб поезд шаҳарга яқинлашган маҳал аёл бемалол кўйлагини ечиб кофта ва юбкасини кийиб олди. Вагондаги эркакларнинг кўзи унга қадалган эди.

Аёл бу ҳаракатини эҳтимол ўзига хос одоб, балки маданият деб қабул қилгандир.

Автобусларда, бекатларда бамайлихотир бурнини кавлаётган, тўйларда, ошхоналарда дастурхон бошида таом олинмасдан тишларини ковлаб ўтирган катталарга кўзингиз тушади.

Хўш, ҳозирги одобсиз ёшларни ким тарбия-ляпти, одобсиз катталар эмасмикин, деб юборингиз келади баъзан.

Муслим БОТИРОВ, Тошкент вилояти.

ОЛТИН МЕДАЛ

Мақтабни тугатганимга кўп бўлгани йўқ. Лекин олтин медал билан боғлиқ бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Бир куни тил ва адабиёт ўқитувчимиз мени чақиртириб, “Қизим, сен иншоларни яхши ёздасан, тинчлик мавзусида иншо ёзиб менга топширсанг”, — дедилар.

— Тагин нимага иншо керак, ахир якуний баҳолар чиқди-ку, — дедим хайрон бўлиб.

— Сенга сабабини айтмасдан иншо ёздиришга ҳаққим йўқ. Майли, айтаман, фақат ҳеч ким билмасин, — дедилар.

Иншони физика ўқитувчимизнинг қизи, олтин медал олаётган синфдош дугонам номидан ёзишим кераклигини тушундим. Устозимнинг сўзларини икки қилмай иншо ёзиб бердим. Ёзган иншоим РайОНОдан ўтибди.

Мақтабда хайрлашув кечаси. Ҳамманинг юзида табассум. Мақтаб директори яхши ўқиган ўқувчиларни даврага чақиртириб, мақтов ёрликлари топширди. Энг охири олтин медал олган дугонамни даврага чақириб, сўз беришди. Ҳамма уни табриклади. Бир даста гул бериб дугонамни сазимий кучдим. Аммо у негадир мендан кўзларини олиб қочди.

Юлдуз ЗОКИРОВА, Бухоро вилояти.

МЕН БИЛАН ИШЛАШ ҚИЙИН ЭМАС

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театрининг директори, халқ артисти ЁҚУБ АҲМЕДОВ билан сўхбат

— *Яратган салбий ё ижобий образларингиз характерингизга таъсир қиладими?*

— Салбий образларни иложи борича ўзимга юқтирмасликка ҳаракат қиламан. Ижобий образларни эса ўзимдан келиб чиққанимдан кейингина ижро этишга интиламан.

— *Ўзингизни кўпроқ директор деб ҳисоблайсизми ёки артистми?*

— Ҳар иккиси. Кўпроқ санъаткор деб ҳисоблайман.

— *Театр зўр бўлиши учун етишмайдиган нарса: сценарий, зўр артист, маблағ, режиссёр?*

— Театр зўр бўлиши учун яхши асар, режиссер, жипслашган, уюшган жамоа ва томошабин зарур.

— *Ҳозирги пайтда артистлар истеъдодига яраша қадрланаяптими?*

— Ҳар бир санъаткор ўзича “истеъдодлиман, аммо истеъдодимга яраша қадрланмаяпман” деб ўйлаши мумкин. Лекин бундай олиб қараганда бошқа касбдагиларга нисбатан санъаткорлар қадрланаяпти, яна ҳам кўпроқ қадрланишлари мумкин.

— *Ёқуб Аҳмедовни Ёқуб Аҳмедов қилган қайси рол деб ҳисоблайсиз?*

— Мени Ёқуб Аҳмедов қилган бу Ҳамза театри. 1959 йилда суратга олинган Фурқат киноси. Умуман олганда телевидения, кино...

— *Мақтовларга муносабатингиз қандай?*

— Мақтовлар ёқимли бўлади. Аммо жуда ошириб юборишса менга ёқмайди. Чунки нуқсонсиз одамнинг ўзи йўқ.

— *Театрда ишлаб бирон марта ҳайфсан олганмисиз?*

— 1966 йили турмушимдаги баъзи хатolikлар туфайли иш жойимдан ҳайфсан беришган.

— *Биздаям хусусий театр бўлиши мумкинми?*

— Албатта мумкин. Катта маблағ бўлса, репертуар бой бўлса, артистлар бўлса...

— *Амир Темури ролни ўйнаяпсиз экан. Ўзбекистондаги артистлар ичида яна ким шу ролни ўйнаши мумкин?*

— Ҳозир бу образни мендан ташқари Теша Мўминов ва Ёдгор Саъдиевлар ҳам ўйнашяпти. Бу образни мана бу ўйнайди ё ўйнамайди деёлмайман. Ҳамма ўйнаши мумкин.

— *Сиз билан ишлаш артистлар учун қийинми?*

— Буни ўзларидан сўранг.

— *Барибир Сизга билинса керак.*

— Мен билан ишлаш саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам қийин эмас.

— *Бирор партия аъзосимисиз?*

— ХДП аъзосиман.

М.МАҲКАМОВА сўхбатлашди.





ОТАНГИЗ ХАФА

ҚИЛГАНМИ,

ҚИЗГИНА?

Ҳинд адабиёти намуналарида “Қиз болани гул билан ҳам уриб бўлмайди” деган гап бор. Халқимиз эса “Отаси урган қиз бахтсиз бўлади”, дейди. Ҳақиқатан, қиз бола гулдан нозик, унинг парваришига масъул бўлган баъзи ота-оналар нафақат уриш, балки бир оғиз қўпол сўз билан ҳам фарзанди келажагини барбод этишлари мумкин. Айниқса, ота қизига қўл кўтарса... Қиз ота қиёфасида энг муқаддас ва мукамал зотни, барча дарди балоларга қалқон пуштипаноҳ сиймосини кўради. Ана шу эътиқодга дарз кетса, бунга отанинг ҳақорат ёхуд шапалоқлари сабаб бўлса, қизнинг - бўлгуси аёлнинг юрагидаги шафқат ва меҳр илдизлари қуриши табиий. Ўрнини норозилик, қаҳр эгаллайди, бағри тоши, нигоҳлари қаттиқ, ҳеч кимга ишонмайдиган, меҳрсиз бўлиб қолади. Оқибат эса маълум - бузилган тақдирлар, адаишлар...

Яқинда бир гуруҳ талаба қизлар билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик. Ўзгаришсиз келтирилайётган фикрлар билан танишинг, эҳтиёж сезсангиз мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

ФЕРУЗА БЕРДИЕВА (ФИЖДУВОН)

— Ўнинчи синфда ўқирдим, бир йигитни севиб қолгандим. Отам бир сафар йигитим билан учрашувга чиққанимни сезиб қолдилар. Ўшанда бир шапалоқ урган эдилар. Ундан аввал ҳеч таёқ емаганим учунми, шунақа алам қилгандики, чидай олмай уксус ичиб 3 ой касалхонада ётганман.

ҲАМИДА ИСЛОМОВА (НАМАНГАН)

Менимча, болалигида ота-онасидан дакки эшитмаган қиз кам бўлса керак. Қишлоқчилик... 8 гектар ерни ижарага олгандик. Жазирама иссиқда тер тўкиш кимга ёқади, дейсиз. Ўшанда сингилларим қатори мени ҳам уриб ишлатишарди. Мен бу билан отамни айбламайман. Улардан хафа ҳам эмасман.

РАФКАТ (ҚЎРҒОНТЕПА)

Отам уч марта уйланганлар. Ҳозир Тошкентда яшаймиз. Ўгай онамнинг қўлидаман. Ун олти ёшдаман. Отам мени уради дейишга уяламан. Аммо айтмасам ҳам маҳалламиздаги ҳамма қизлар билишади. Баъзан уйга бормайман, дугоналаримнинг уйида тунаб қоламан. Уйдан безиб кетганман. Отаси урган қиз бахтсиз бўлади, деган гап бор, гоҳида қўрқиб кетаман, ишқилиб келажакда отамга ўхшаган йигитнинг қўлига тушиб қолмай, дея.

МАФТУНА ХОЛИҚОВА (ЁЗЁВОН)

— Биз оилада етти нафар қизмиз. Уйимизда бизга отам ҳам онам ҳам эмас, энг катта акам жазо белгилардилар. Акаси урган қиз ҳам бахтсиз бўлади. Ҳаётда мен ўзим бунинг гувоҳи бўлдим. Яқинда синглимни куёвга узатдик. Тўйдан кейин куёвим синглимнинг “тоза”лигига шубҳа қилиб, уни роса сарсон қилдилар. Шунда мен ёшлигимизда бўлган бир воқеани эсладим: ўшанда синглим бешинчи синфда ўқирди. Акам унинг орқасидан зарб билан тепганди. Ёнимга келиб, опа қўрққанимдан шундай бўлди, дея кийимидаги қонни кўрсатганди. У ҳам, мен ҳам болалигимизга бориб эътибор қилмаганмиз. Орадан 10 йил ўтиб буни врачлар ҳам тасдиқлашди. Акамни бир умр кечиролмасам керак.

МАВЖУДА ИБРОҲИМОВА (ЧИМКЕНТ)

Умримнинг ярми касалхоналарда ўтган. Шунинг учунми отам ҳаммиша кўнглимга қарар эдилар. Мабодо айб иш қилиб қўйсам, отам бир кунгина гапирмасдан юрардилар, шунинг ўзи мен учун жазо эди.

ГУЛНОРА ҲУСАНОВА (УРГАНЧ)

— Отам бизни “сен” демаганлар. Ҳамиша “сиз”-лаб “онажон” деб мурожаат қиладилар.

Саҳифани Сурайё ЗОҲИР
тайёрлади

ШАББОДАЖОН

(БАДИА)

**Унутиш қадар азобли,
висол қадар тотли,
ҳижрон қадар узун
титроқларда
бу тан жон берди...**

Тун чўккан хобгоҳдан майин шивир эшитилади.ю

Дераза ромлари шаббодага ялинади:

— Шаббодажон, қулоқ тут, қулоқ тут...

Лек, ҳасис шаббода муҳаббат куйидан маст майсалар устига чўзилганча титрай бошлайди. Ичкарида — пушти гуллар билан ясатишлик хобгоҳда висол рақс тушади.

Зимистон ва сукунат бу ширин дардга ҳасад қилиш баробарида ҳар тун шу дақиқаларни орзиқиб кутади.

Тун гоят чарчади, ширин бир азобдан толиқди тун ва ниҳоят, тонг отди. Тунги сулуво хотиротларни қалб кўмди. Мен муҳаббатимни кўзгудаги инсон-

га изҳор этаман. Унинг сийрак сочларини силагим, хусндан мосуво чехрасига суқланиб, сулувсан, гўзалсан, дея шивирлагим келади бу сўзлар унга ҳақоратдай туюлишини биламан.

Боқий сифатларни кўксимда яшириб, унга муҳаббат оҳанги, висол рақслари ҳамда якто тун ҳақида сир айтаман...

Сен ҳали тунни-чирилдоқлар бор овози билан додлаган, дарахтларнинг кўзи ёриган, эҳтирослар уйғонган кўркама тунни танимайсан.

Тунда, олам сукунат бағрида яйраганда висол рақсининг оҳанраболиғичи...

Тунда шарпалар, соялар қовушади. Гиёҳларнинг бадани муҳаббат соғинади. Тун эҳтирос тугади, эҳтирос... лаблар жуфтини кидиради. Вужуд висолда сузади, чўкиб кетади висолда. Ана шу маҳалда бошқа бир вужудда эрийсан, йўқолиб кетасан. Ҳар бир қадамингдан аччиқ гуноҳ ан-

қийди. Андишанинг кўзлари пўст ташлайди. Тўшаклар-чи, бутун бир тунни бағрига ола туриб соғинган, ишқсираган тўшаклар, дардли бир бетартиблик, афтодалик кўмсайди. (Кундуз тўшаклар бизни соғинади)

Мен тунни севаман. Уни севаман.

Менга висол рақсини ўргатган, тунни танитган, вужудимни ўзига сингдирган ўша қиёфани соғинаман. Минг азоб тортиб кўзим ёриган кечаларда уни танҳоликдан қизганиман.

Бир куни мен кўзгудаги хусндан, ишқдан мосуво қизга висол рақслари ва кўркама тун ҳақида сир айтаман.

У кунда, ўша — пуштиранг хобгоҳда, висол рақс этаётган маҳалда, соялар бирлашган он чирилдоқлар ёқасини йиртади, гиёҳлар муҳаббат соғинади, шаббода эса... шаббода пуштиранг хобгоҳдан таралаётган майин шивир оҳангида дир-дир титрайди.

**Зарнигор ҲАЙИТОВА,
Навоий**

* * *

*Алани, ал-анбар кўнми ёроти,
Шиллоранг туйғудан туйғуланаман.
Жонимга ҳузурдир ёдинг фироти,
Бир ойдин қайғудан қайғуланаман.*

*Бир ёру аламлар меники бўлар,
Муниги қиёфани қийган аламлар
Ва Маҳшар кунда азобим тилар
Азобини тотмаган шўрлик санамлар.*

*Унига кўнмида кулвераман,
Этмиш томиримда этмиш минг Лайли.
Саккиз жаннатини қизганиб менадан,
Шамур ўтларига иритгин, майли.*

*Бир кунни ҳасратлар тонг агнамми,
Кўксинини кўксинини доғи доғламми.
Ҳижрон ҳижрасида бир қиз йиғламми,
Ҳшанда ҳайини мани йўқламми...*

*Алани, ал-анбар — кўнми ёроти,
Жонимга ҳузурдир ёдинг фироти...*

* * *

*Кумри наласида отди тонларим,
Бир муниги ҳайлда ўтди онларим.
Бу ҳайл Ишқ эрур, бу ҳайл-севин,
Ҳижрон тўшакга ботди жонларим.*

**Шаисия ХУДОЙНАЗАРОВА,
1973 йилда Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Чеп қишлоғида туғилган. ТошДУ журналистика факультети IV курс толибаси.**



*Севин, тўшакимда унган шўрминини?
Севин, мен адашган суқмоқ-йўрминини?
Севин, остонамда туриб йиғладим,
Севин, хиёнатдан қолган шўрминини?*

*Дил, сенга қил-қизил шўрб ийрдим,
Хотирот апалмиш шароб ийрдим.
Кўнми қони билан бўялган Ишққа
Қайғу жонларидан жавоб ийрдим.*

*Ўтдик, ҳазон бўлди келмишларимиз,
Кетдик, армон бўлди келмишларимиз.
Юрак япроғига тиз билан ўйиб,
Битдик, дoston бўлди келмишларимиз...*





Ғижжак на осийлашқлардан маҳзун таралмоқда. Унинг оҳангига сармаст бўлиб, беихтиёр ўзингиз ҳам хиргойи қиласиз. Куйдаги нола, маҳзунлик диллингизни ўртайдди. Ғижжак — бу ўзбекнинг дардини, ўтмишини, бугуни ва эртасини куйловчи ўлмас соз. Шунинг учун ҳам бу сознинг майин овозини тинглаганимда юрагимда ўзбек деган ифтихор, мағрурлик яна қайта жонлангандек бўлади.

— Салоҳиддин ака, сиз ўзини қандай ҳақ сози мутахассис деб ҳисоблайсиз. Кейинги пайтда куйлар ҳам ижро этиляпсиз?

— Аслида кўшиқ куйлаш хаёлимга ҳам келмаганди. Кўпгина санъат гуруҳларида созанда бўлиб ишлаб юрдим. Куйлар ҳам басталадим. Ҳатто гуруҳимиз аъзолари ҳам мени кўшиқ айтади, деб ўйлашмаган. Басталаган куйларимни уларга хиргойи қилиб берардим, холос. Очигини айтганда, ўзимда масъулият сезардим. Кўшиқчиман деб даъво қилолмайман. Ҳаққим йўқ. Севган машғулотим десам тўғри бўлади. Ғижжак созига келсак, у ҳамшиша мен билан. Шогирдларимга, ўқувчиларимга ўргатаётганимдан бахтиёрман.

— Кузатган одам кўшиқларингизнинг аксарияти классик мусиқа оҳангларида ижро этиляётганини сезади...

— Ҳар бир хонанданинг ички туйғу ва кечинмалари қандай бўлса, ана шу ҳис-туй-

ғулар кўшиқларида зоҳир бўлиши мумкин гап. Классика, миллий оҳанглардан узоқ кўшиқларни куйлай олмайман. Шу ўринда бир воқеани айтиб берай. Покистонда бир гуруҳ санъаткорлар билан сафарда бўлдик. У ерда ўзбеклар жуда кўпчиликни ташкил этар экан. Залдагилар бизга “Муножот” дан, “Ушшоқ” дан айтинглар, деб илтимос қилишди. Демак, миллий оҳанг — классика бу фақат менинг дардим, изтиробларим эмас, бу ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир шарқ кишининг қонида оқадиған туйғу. Мен ҳам шуларнинг бири сифатида шарқ классик мусиқаси ошиғиман.

— Замонавий кўшиқларни, дейлик эстрадани қабул қилолмайсизми?

Юқоридаги сўзимни тўғри қабул қилинг. Замонавий кўшиқлар керак эмас деётганим йўқ. Олдинга интилиш учун ўтмишни унутмаслик, таъбир жоиз бўлса, гуллаётган дарахт илдизини ҳис қилиб турмоғи лозим. Рэп, рок йўналишлари, шовқин-суронли мусиқаларга келсак, уларнинг ҳам қаердан келганига эътибор бериш керак. Фарбдан, демак илдиз бошқа. Фарбни эшитиш керак. Фақат унга

Салоҳиддин Азизбоев — 1964 йилда Тожикистоннинг Ўра-тепа шаҳрида санъаткор оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, Содирхон Ҳофиз номидаги Хўжанд мусиқа билим юртига ўқишга кирган. 1983 йилда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясига қабул қилиниб, шундан буён анъанавий ижрочилик кафедрасида фикжак сози мутахассислиги бўйича ишлаб келмоқда. Уч фарзанди бор. Табиатан камгап, камсуқум ва мулоҳазали инсон. Севган ва севиб ижро этадиган кўшиқлари “Самарқанд ушшоғи”, “Қаро кўзим”, “Фигон”, “Армони битта”, “Айлама”, “Оҳ, гулим”, “Кел энди” ва шу каби қатор кўшиқлари мухлислар қалбидан жой олган.

кўр-кўрона тақлид ёмон. Бошқа миллат вакиллари учун шовқинлар, саҳнадаги жалб этувчи ҳаракатлар одатдаги ҳол бўлиши мумкин. Лекин булар ўзбек мусиқаси, санъати, маданияти нуқтаи назаридан қабул қилинмайдиган “сингмайдиган” ижро усуллари.

— Миллий оҳанглари ҳам, ҳозир сиз айтган ғарб оҳанглари ҳам уйғунлаштириб, замонавий кўшиқчиликда, эстрадада қўллаётганлар бор-ку?

— Минг афсуски бундай ҳолларда четдан олинган оҳанглари соф туркона оҳанглари бошиб кетяпти. Бу жараён ўзбек санъатини ривожлантирмайди.

— Яхши кўшиқ инсонга нима беради. Фикрми, ҳис-туйғуми, инсоний фазилатларни шакллантирадими?

— Санаб ўтганларингизнинг барчасини бериши мумкин. Фақатгина қай вақт, қандай кайфиятда, қандай кўшиқлигига боғлиқ. Масалан, одам йиғлаб турганида шўх-ўйноқи кўшиқ эшитгиси келадими? Бугунги кўшиқчиликдаги энг асосий иллат менимча сўз танлашда кўринмоқда. Шеър фақат бугунни ифодаламаслиги, эскирмаслиги лозим. Шундагина кўшиқ инсон руҳига ҳам, ақлига ҳам таъсир қила олади.

— Хонандалар тез-тез янги кўшиқлар куйлашмаса, кассеталар чиқаришмаса, худди халқ назаридан тушиб қолаётгандай туюлаверади. Тезда янги кўшиқлар яратиш ашуланинг сифатига таъсир қилмайдими?

— Йилига янги кўшиқ яратмаган хонандани жод қилмай кўйибди,

десак хато бўлади. Балки у изланишдадир? Битта кассета чиқариш учун йиллаб ижод қилиш, кўшиқ устида меҳнат қилиш керак. Бу ижодий жараён биринчи навбатда масъулият, иккинчидан, шошилмасликни талаб қилади. Шу билан бирга бу жараён ҳар бир хонандада ҳар хил кечади. Ашуланинг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, хонанда қисқа вақт ичида кўшиқ яратадими ё тезлик биланми, бунинг аҳамияти йўқ, у қандай кўшиқ ярата олганига боғлиқ.

— “Камолот”, “Анор”, “Офарин” ва бошқа кўрик-танловлар ўтказилди. Бу танловлар кўпгина иқтидорли ёшларни элга танитди. Танловларга муносабатингиз?

— Танловларда қачонки таниш-билишчилик, кўзбўямачилик йўқолмас экан, бу — танлов эмас. Шу ўринда бир эътирозим бор: масъул раҳбарлар ва танловларга бош-қош бўлаётганлар нега саёз кўшиқларга аҳамият бермаяптилар? Балки бу соҳада қайсидир маънода қаттиққўллик керакмикин?

Кўрикда кўшиқчиларни йиғиб, фонограмма-сиз, ўзининг соф овозида эшитишсин. Халқ — танлайди. Агар халқ эшитмаса, тан олмаса, хоҳ биринчи, хоҳ иккинчи ўрин олмайлик, бу билан биз ўзимизни алдаган бўламиз, холос. Санъат—пулга сотилмайди. У соф ва беғараз.

— Сухбатингиз учун раҳмат. “Ёш куч” мухлислари номидан Сизга омад тилаймиз.

**Сухбатдош:
Матлуба
ТЕМУР қизи.**





ТОҶИР МАЛҶК: "НИМА УЧУН ЛОҚАЙДСАН?"

САВОЛЛАР:

1. *Энг яхши кўрган китобингиз, кўшиқ, сурат ва кинофильмларни санаб ўтоласизми?*

2. *Сиз учун ҳеч кимга ёрдам беролмайдиган ҳалол одам афзалми ёки ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган, лекин ҳаёт кечиришнинг ҳеч қайси йўлидан қайтмайдиганларми?*

3. *Тузатишим лозим бўлган қандай камчилигим бор деб ўйлайсиз?*

4. *Моддий жиҳатдан янада бойишни истармидингиз?*

5. *Гоҳида ўзингизга бериб турадиган савол?*

6. *Ўқувчилар "Шайтанат"нинг иккинчи китобини анча қутиб қолишди, бунинг сабаби нимада?*

7. *Асардаги воқеалар ҳаётдан олинганми?*

8. *Сотилишига муносабатингиз?*

9. *Асарнинг иккинчи қисми охирида ҳали давоми борлигига ишора қилиб ўтгансиз...*

10. *"Ёш куч" журнаliga муносабатингиз?*

1. Яхши кўрган китобим А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи. Чет эл асарларидан "Сўна". Яхши кўрган кўшигим ҳофиз Шерали Жўраевнинг "Анда жоним қолди менинг". Яхши кўрган суратим Айвазовскийнинг "Тўққизинчи вал" асари. Фильмлардан "Маҳаллада дув-дув гап"ни ҳар сафар мазза қилиб томоша қиламан.

2. Ҳеч кимга ёрдам бермайдиган одамни ҳалол деёлмаймиз. Ҳалол одамнинг албатта кимгадир ёрдами тегади. Ҳалол одамнинг фазилатлари чексиз бўлади.

Иккинчи тоифа одамларни яхши одам деёлмайман. Кимки ҳаром йўл билан бир нарса топиб бошқаларга ҳам берса, демек уни олган ҳам ўша ҳаром одамга шерик бўлади.

3. Менинг катта камчилигим ноҳақликни кўраман, тушунаман, англаб етаман, лекин унга қарши курашмайман, четлаб ўтишга ҳаракат қиламан. Ҳамма масала бўйича мурося қилишга ҳаракат қиламан. Инсон учун бу тўғри йўл эмас, буни яхши биламан. Зарур пайтда баҳслашиш, курашиш керак. Энди "Билиб туриб шу одатингизни нега ўзгартирмайсиз?" деб сўрашингиз мумкин. Ёшлиқда энгиш мумкин бўлган иллатни ёш

улғайгандан кейин энгиш қийин бўлар экан. Балки бу қондан ўтган одатдир. Дадам раҳматлик ҳам мўмин, мурося қиладиган одам эдилар.

4. Моддий жиҳатдан янада бойишни истамас эдим. Яқинда бир жойда меҳмонда бўлдим. Иморати Амир Олимхон ҳам ҳавас қиладиган даражада. Аввалига мен ҳам ҳавас қил-



дим. Кейин дарров менга шунақа уй бермагани учун Худога шукр қилдим. Чунки бунга "қаср" куриш кўнглимда бўлса, мен албатта нотўғри йўлларга киришга мажбур бўлган бўлардим, кўпчиликнинг ҳақиқага ҳиёнат қилган бўлардим. Бир сўз билан айтганда, гуноҳ ботқоғига ботган ҳолда қаср тиклардим. Бундай бойлик, бундай қасрлар денгиз тўлкини устига қурилган иморатдай гап. Фаридиддин Аттор бир шеърда бу дунё эмас, у дунё қасрини куриш ҳақида фалсафий фикр юртади. Денгиз тўлкини бир чайқалса бу дунёдаги қасрдан ҳеч нарса қолмайди. Охират учун ҳеч нарса қилинмаган бўлса, у дунёга қуруқ қўл билан борилади. Искандар Зулқарнайн ҳам дунёни қарийб ярмини забт этиб у дунёга ҳеч нарсасиз кетган экан. Шунини одамлар билсин деб, тобутдан қўлини чиқартириб қўйишган экан. Оллоҳ томондан биринчи нозил қилинган "Алақ" сурасида "Дарҳақиқат, инсон ўзини бой, беҳожат кўргач албатта тўғенга тушар, ҳадидан ошар" деган ояти қарима бор. Мана шуларни назарда тутиб ҳам янада бойишни истайман, деб айт-тяпман.

5. Ҳар бир одам ўзига бир эмас, ўн эмас, юзлаб саволлар бериб юради. Бу саволлар маълум ҳолатдан келиб чиқади. Баъзан ўзимга "Нима учун лоқайдсан?", "Нима учун дангасасан?" дейдиган пайтларим ҳам бўлади.

6. Сабаби оддий - асар тез ёзилмайди. Яна ҳам Худонинг мадади билан қисқа фурсатда иккинчи китоб ҳам чиқди.

7. Мен бу ҳақда асарнинг бошланишида айтиб ўтганман, яна қайтаришим мумкин. Асардаги қаҳрамонларнинг бири кўшнингизга, бири дўстингизга, бири аллақайси танишингизга, ўхшаб кетар. Бу эса шунчаки бир тасодиф. Ҳаётда ҳам кимдир кимгадир ўхшайди-ку?

8. Чиндан ҳам жуда кўп жойларда китоб жуда қиммат сотиляпти. Бунга асосий сабаб, одамлар китоб дўконларига кирмайдилар. Кўчага олиб чиқиб сотаётганлар эса усти устига нарх қўйиб қиммат сотаяптилар. Масалан, китоб дўқонида 60 ёки 65 сўм, 3-4 метр нарида бозорда икки баравар қимматга сотиляпти. Ҳар бир ёзувчи албатта, китобларнинг яна ҳам арзонроқ сотилишини истайди. Айрим одамлар китоб савдосини ҳам ёзувчи бошқаради деб ўйлар экан. Шу сабабли айтишим керакки, шаҳсан мени китоб савдосига алоқам йўқ. Мени вази-фам ёзиш, сотиш эмас.

9. "Шайтанат"нинг учинчи китоби ёзиляпти. Худо хоҳласа йилнинг охирида тугаллайман. Келгуси йилнинг бошларида китобхонлар қўлига етиб боради, деб ўйлайман.

10. "Ёш куч" журнаli жамиятимиз учун ниҳоятда зарур бўлган нашрлардан бири. Чунки бу журнал ҳаётни энди англаш арафасида турган ўсмир ёшларникидир. Бу ёшда ҳар бир инсон олдида ҳаётга, яшамокка оид жуда кўп саволлар уйғонади. "Ёш куч" эса ана шу саволларга жавоб бериши керак. Бошқача айтганда доно сўхбатдош, сирдош бўлиши керак. Шу сабабли ҳам бу журнал чиқа бошлаганда кўп қатори биз ҳам хурсанд бўлганмиз. Мана ўн йилдан бери журнал вазифасини сидқидилдан адо этиб келяпти деб ўйлайман. Бундан кейинги ишларига омад тилайман.

Заҳро АЗИЗОВА ёзиб олди.



Х аётимиз бутун мураккабликлари билан насрга монанд айна кезларда назми таъб соҳибларининг гоҳ камтарона машқлари, гоҳида эса гўзал ташбеҳ ва ифодалари билан биз, ойнома ижодкорларини хушнуд этаётганликларини тақдир, деб биламиз. Шу билан бирга, ойномамизнинг имкониятлари чекланганлиги тўғрисида мазкур ижод намуналарини ҳар доим ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этолмаётганимиз учун бизни маъзур кўрадилар, деган умиддамиз.

Таҳририятимизга келатган шеърларнинг мундарижаси бирмунча кенг; Ватан, Сўз, Ишқ ва илоҳиёт

ди. “Араз” номли, “Камалакнинг...” деб номланувчи шеърларида муаллиф ўзига хос ифода услубини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Оқдарёлик Нурулла Нарзуллаевнинг “Саҳар” номли шеъри бевосита шеър ёзиш жараёнининг таҳлилига бағишланган. Шоирнинг “жон чеккан кечаси” сўнггида сатрларнинг “қоп-қора қон” билан битилганлиги муаллифнинг бу жараёни чиндан ҳам яшаганлигига ўқувчини ишонттиради. Шоир сўзларни шунчаки қоғозга туширмайди, балки ўзи ҳам сўзга айланиб, қоғозга тўкилади. Шеърдаги охирги икки сатр,

ЮРАКДА ИЛДИЗ ОТАЁТГАН СЎЗ

Таҳририятга келган шеърларни ўқиб...

тушунчалари турлича талқин қилинган шеърлар мавзу-моҳияти билан нафақат бу тушунчаларнинг ўзи ҳақида, балки улар хусусида сўз айтишга журъат этган қаламкашларнинг шахсиятлари ҳақида ҳам тасаввур беради, деб айтиш мумкин.

Маълумки, шеър Сўзни идрок этишдан бошланади. Мажоз ва тимсолларни сўз билан ифодалагувчи шоир, айна пайтда „Сўзнинг ўзини ҳам тимсоллар шаклида идрок қилади. Ана шундай идрок йўсини кўшрабтлик Қувондиқ Сиддиқов қаламига мансуб куйидаги “ўчлик”да ўз ифодасини топган.

Сўзлар—уруғ, юрак—ер,
Бир кун униб чиқар шеър
Илдизи чуқур ботган.

Юракда илдиз отаётган Сўздан бир кун, албатта, шеър униб чиққуси. Фақат бунинг учун сўзнинг илдизлари қанчалик чуқур эканини эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас. Бу илдизни кавламоқ, унинг теранликларига қадар инмоқ лозим. Сўзни англаш, унинг асл ва мажозий маъноларини кашф этишга мойилликни бошқа бир шоир — Нодир Жонузоқ шеърларида ҳам кузатиш мумкин. “Севаман” деб бошланувчи шеърнинг хотимасида муаллиф: “Севаман, “севаман” сўзини” деб ёзади. Унинг аксарият шеърлари алоҳида сўзларнинг такрори ва таъкид оҳангига қурилган ва кўп ўринларда шоир бунинг шеърий санъат даражасига кўтара олган. Нодир манзум сўз айтиш санъатини анча ҳавосини олган, сўзни яхши ҳис этадиган шоир. Шу боис ушбу ўринда унинг бази шеърларидаги маромига етмаган ўринлар ҳақида гапириш фойдадан ҳоли бўлмайди деб ўйлайман: у баъзан сўзнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланмайди. Фикр ва тўғрисида яхлитлигининг ифодаси сифатида шеърнинг бошида ишлатилган сўз кўпинча унинг ўртасига келиб аввалги маъно ва ифодадан маҳрум бўлади. Натихада сўзнинг салмоғига жиддий путур етади. Хусусан, “Жумбоқ”, “Тўй бўлди” шеърларида ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Воқеълик билан фаол зиддиятга киришган шоирнинг лирик қаҳрамони кўпинча унга қарши боришдан кўра, уни биратўла инкор этишни афзал кўради. Баъзи ҳолларда эса бу инкорнинг кимга ёки нимага қаратилганлиги мавҳум бўлиб қола-

шеърга нуқта қўйилган бўлса-да, ундаги кайфиятнинг ҳали давом этажаги, демакки, янги-янги шеърларнинг туғилажигидан дарак беради:

Мадор битди, тун бўйи оққа
Тўкилдим, дун баҳридан ўтиб.
Бу тонг мени чиқазинг боққа
Ва уйғотинг қуёшга тутиб...

Мумтоз адабиётимиздан илҳомланиб ёзилган “Пари” номли шеърда ҳам шоир ранг-баранг ўхшатишлар, ташбеҳлардан ўринли фойдалана олган. “Киприкларининг ишқи қошига тушган” ёр тимсоли гарчи кўхна шеъримизда мукамал даражада тасвирланган бўлса-да, муаллиф бармоқ вазнининг бир қадар кенг имкониятларидан ана шу ифодаларни янада бойитиш, уларни бугунги кун ўқувчисининг бадиий диди нуқтаи назаридан қайта ишлашда унумли фойдалана олган.

Бухоро Давлат Университетининг толиби Шаҳобиддин Ўриннинг манзумалари маъсум дард билан йўғрилган. Унинг куз фасли тасвирланган куйидаги сатрларини табиат ва кайфият уйғунлигининг энг яхши намуналаридан бири, деб айтиш мумкин.

Эгатларга йиқилган бу куз
Худди оғир хаёлга ўхшар.
Боласини тупроққа қўйган
Жафокаш бир аёлга ўхшар.

Юқорида номлари тилга олинган қалам аҳллари-нинг ойномамиз саҳифаларида ёритишга арзигулик шеърлари оз эмас. Фақат бизнинг имкониятларимиз ҳар доим ҳам бунга изн беравермаслигини яна бир марта таъкидлашни истар эдик. Шубҳасиз, мухтасар бир шарҳда барча муаллифлар ҳақида тўхталишнинг иложи йўқ. Биз, шунингдек, ойномамизга эътибор кўрсатаётган Ш.Жабборов, Ў.Одилов, О.Ғанибеков, Т.Тошпўлатова, С.Сирожова, Қ.Норинбоев сингари қаламкашларга миннатдорчилигимизни билдириб, шеър ва шоир ҳақидаги баҳсларимизда бундан кейин ҳам иштирокларининг давомли бўлажигидан мамнун бўлиб қоламиз.

Паҳлавон СОДИҚ



ёки аксар билагонлар таъбири билан айтганда, “жангари филм”

Б-БОЕВИК

аммо, биз айтамызки, филм жангари бўла олмайди, акс ҳолда ундаги қахрамонларнинггина эмас, сизу биз — видеомухлисларнинг ҳам бошимиз ёрилган бўлурди.

Боевик ёки, бизнинг ақли ожизимизча, жанг-жадалли филм кинонинг энг “жафокаш” жанрларидан. Ушбу жанрда яратилган филм йўқки, бошида мунаққидларнинг калтаги синмаган бўлса. Бироқ, танқидчилар қанча ур-калтак-суркалтак қилишмасин, мухлислар орасида шов-шувга сабабчи бўлмаган, қахрамонларининг номлари тилга тушмаган ва яратувчиларига ақл бовар қилмас даражада катта даромад келтирмаган боевикнинг ҳам топилиши душвор. Қисқаси, боевик — бутун халқ ва элатлар томонидан ардоқланувчи жанр. Зеро, уни кўриш жараёнида ақл дам олади (агар бор бўлса, албатта), унинг ишини тананинг бошқа аъзолари бажаради.

Боевик жанрининг пайдо бўлиши кинога “ўтда ёнмас, сувда чўкмас” қахрамонларнинг кириб келиши билан изоҳланади. Шунингдек, бу техник воситаларнинг мукаммаллашуви, акс эттириш имкониятларининг ошишига ҳам боғлиқдир. Боевик жанрининг мумтоз намунаси сифатида режиссёр Ж.Стержес томонидан суратга олинган “Қойилмақом еттовлон” (1960) филми эътироф этилади. Бу филм яна шу жиҳатдан эътиборга моликки, унда

бўлажак боевиклар “юлдузи” Чарлз Бронсон суратга тушган. “Совуққон қотил” (1973), “Ўлим истаги” (1974), “Энтеббега ҳужум” (1976) каби филмлардаги роллари орқали ном қозонган бу актёр боевик филмлар “юлдуз”ларининг бутун бир авлодига йўл очиб берди.

Боевик жанрининг 80-чи йиллардаги маъқеи асосан икки актёр — Силвестр Сталлоне ва Арнолд Шварценеггернинг номлари билан боғлиқ. Сталлоне Рембо ролининг ижрочиси сифатида кино тарихи солномаларидан абадий ўрин олганлигига бугун асло шубҳа йўқ. Шварценеггер эса “Маҳв этувчи” (“Терминатор”, 1982) ва “Коммандо” (1985) филмларидаги роллари билан ном қозонди.

80-чи йилларнинг охири — 90-чи йилларнинг бошига келиб “юлдуз”лар сафи кенгайди. Асосан жиддий филмларда суратга тушишга ўтган Шварценеггер ва Сталлоне қаторига Жан Клод Ван Дамм, Долф Лундгрэн, Стивен Сигал каби актёрлар келиб қўшилди. Бу актёрларнинг пайдо бўлиши билан боевик жанри яна бир юқори поғонага кўтарилди. Шварценеггер, Сталлоне асосан билак

ва қурол кучи билан душманларига қарши курашувчи қахрамонлар типини яратишган эди. Янги авлод вакиллари эса афсонавий Брус Ли анъаналарини давом эттириб, айрим ҳолларда эса унга ижодий ёндошиб, тамомила янги қахрамон сийратини яратишга муваффақ бўлишди. Аввалги филмлар қон дарё бўлиб оқиши асосига қуриларди. Кейинги авлод вакилларининг филмларида эса биринчи ўринда шарқ яккама-якка кураш усуллари туради. Зотан юқорида номи тилга олинган (Ван Дамм, Лундгрэн, Сигал) учала "юлдуз" ҳам спортдан чиққан.

Барча кино жанрлари сингари, боевик жанрининг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд. Бошданоқ қахрамонга вазифа юкланади: ё у қасос олади ("Қочоқ", 1990, бош ролда Ж.К.Ван Дамм, "Қонундан устувор", 1988, "Ўлимни енгиб", 1990, б.р. С.Сигал), ё қора гуруҳларнинг қилмишларини фош этишга бел боғлайди ("Мавҳумлик", 1991, б.р. Д.Лундгрэн), ёки шунчаки қонун посбони сифатида ўз бурчини бажаради ("Янги шерик", 1991, реж. ва б.р. Клинт Иствуд, "Беверли Хиллздан келган полициячи" (1984, б.р. Э.Мэрфи).

Қахрамон ёлғиз бўлса, унга таҳдид солувчи хатар унчалик кўрқинчли эмас. Хўш, нима келиши мумкин душманларининг қўлидан? Уни ўлдириш, холос. Бироқ, филм бошланиши билан тезда уни ўлдириб қўйишса, унда қизиғи қолмайди. Шу боис филм янада қизиқарли ва жонли бўлиши учун қахрамоннинг ёнида ё ҳамфикр дўсти ("Ажалнинг уруғи", 1986, реж. Р.Доннер), ё унга ишқи тушган (ёки тушувчи) соҳибжамол ("Коммандо", реж. М.Лестер, "Мушкул нишон", 1993, реж. Ж.Ву) ҳаракат қилади.

Нима бўлмасин, қахрамонлар не балоларга гирифтор этилмасин, баридан омон чиқишади, ёвузлик жазоланади, қахрамонлар муроду мақсадларига етишади. Филм муваффақият қозонган тақдирда яна унинг давомида ҳам пайдо бўлишлари мумкин ("Ажалнинг уруғи" — 2, 3, "Беверли Хиллздан келган полициячи" - 2,3). Боевиклар бир неча йўналишда суратга олинади: фантастик ("Йиртқич", 1986, реж. Ж.Мактирнан, "Универсал аскар", 1992, реж. Р.Эммерих), сиёсий ("Юк", 1989, реж. Э.Дэвис), комедияли ("48 соат",

1982, реж. У.Хилл, "Танго ва Кэш", 1989, реж. А.Михалков-Кончаловский). Яна шу нарсани алоҳида таъкидлашни истардикки, бу жанр — гарчи ҳеч қачон очик айтилмаган эса-да, — ўзбек киноси тарихида муҳим ўрин тутади. Зеро, биринчи овозсиз филмлар ("Йигит", "Равот қашқирлари") боевик жанрига ниҳоятда яқин туради. Бир неча ўн йил кейин суратга олинган Али Хамроевнинг "Еттинчи ўк" филмини эса жаҳон киносининг ушбу жанрда яратилган дурдоналари қаторига қўйиш мумкин.



Наманган Давлат Университети "Ёш куч" меҳмони

ИЛМ — ЎЗНИ БИЛМАКДИР

Наманган Давлат Университети 1992 йилда Наманган Давлат педагогика институти негизда ташкил этилди.

Ҳозирда Университетимизда 8 факультет ҳамда 4 бўлим мавжуд бўлиб, 3685 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг 2335 нафари кундузги, 1350 нафари эса сиртқи бўлим талабаларидир.

Университетимиз профессор-ўқитувчилар жамоаси 378 кишини ташкил этади. 26 фан доктори, профессор, 227 доцент, фан номзодлари ёшларимизнинг таълим-тарбияси билан машғул. Шунингдек, 32 нафар аспирант илм-фан, маърифат ва маънавиятнинг турли йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Университетимизда таҳсил олган 9 нафар аспирант-талаба ҳозирда республикаимизнинг етакчи олийгоҳлари мақсадли аспирантура бўлимларида таҳсилни давом эттирмоқда. Жамоамиз бугунги кунда ўз ол-

дига вилоятимиз ҳамда республикаимизга ма-лакали мутахассислар тайёрлаб беришни мақсад қилиб қўйган. Биз бу мақсадда ўз билим ва имкониятларимизни ишга соляпмиз.

Университетимизда таҳсил олган мутахассисларимиз ҳозирда республикаимизнинг турли бурчакларида, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Ишончим комилки, университетимиз бундан кейин ҳам вилоятимизнинг илм-фан ўчоғи, маданият ва маърифат маркази бўлиб қолаверади.

Фурсатдан фойдаланиб, ёшларнинг севимли журнали — "Ёш куч"га ижодий баркамоллик тилайман.

А.ҚАЮМОВ

Наманган Давлат Университети ректори, профессор.

Б.ХОЛМИРЗАЕВ:

— Университетимиз талабалари ўқишда бўлгани каби, шаҳар ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган барча тадбирларда вилоятимиз ёшларига ўрнак бўлишмоқда.

Жумҳуриятимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўриктанловида университетимиз бадиий-ҳаваскорлик жамоаси вилоят олий ўқув юртлари орасида голиб деб топилиб, Тошкент шаҳрида ўтадиган якуний босқичда қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Ёшларимиз ўқиш, билим

олиш билан бир қаторда, жамоат ишларида, ҳар хил маданий-маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Талабаларимизнинг ўқиш ва дам олишлари учун зарур шарт — шароитлар яратилган. 1200 ўринли ётоқхона вилоятимизнинг турли бурчакларидан келган талаба-ёшлар ихтиёрига берилган. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва машғулотларга пухта тайёрланишлари учун ётоқхонада барча шароитлар мавжуд.

Биз турли тадбирларни ишлаб чиқишда ёшларимизнинг истак, талаб ва маъна-

вий имкониятларидан келиб чиқамиз. Ҳар бир тадбир уларнинг илмий, ижодий қобилиятларини оширувчи моҳиятда бўлишига асосий эътибор берилади.

Университетимизда шакланган ўқитувчи-талаба муносабатлари хусусида алоҳида тўхталишни истардим. Бу муносабат ўзаро ҳурмат ва устоз-шогирдлик аънаналари асосига қурилган.

Биз ўқишда ҳам, бошқа жамоат ишларида ҳам университет раҳбарияти ва жамоасининг хайрихоҳлиги, мададини ҳамisha яқиндан ҳис қилиб тураемиз.





Аҳмаджон СОЛИЕВ

Физика-химия факультети, умумий физика кафедраси қошидаги "Иқтидорли гуруҳ" раҳбари:

— Бизнинг "Иқтидорли талабалар" гуруҳи физика факультети декани, профессор А.Раҳимов ташаббуси билан факультетимиз ўқитувчилари ва талабалари кўмагида ташкил этилди. Гуруҳ 1-босқични фақат аъло баҳолар билан тамомлаган 11 нафар талабани ўз ичига олган. 1996-1997-ўқув йилининг бошидан эътиборан махсус программа асосида дарслар ташкил этилади. Физикадан махсус курслардан ташқари, электрон ҳисоблаш машинаси, шунингдек, чет тиллари бўйича чуқурлаштирилган дарслар

ўтказилади. Бу тадбирлардан мақсад талабаларимизни юқори савияли, малакали мутахассислар бўлиб етиштиларини таъминлаш. Гуруҳдаги талабалар сонининг озлиги улар билан ишлашни осонлаштиради. Келгусида факультетимиздаги қолган гуруҳларни ҳам "Иқтидорли гуруҳлар"га айлантириш ниятидамиз.

ОХ, ҲАЛ ДИЛИМ

Қўзларимга етади кўлим,
Қўзларимга боғлайман кишан.
Муҳаббатни юраман илб,
Хушур қилиб ейман ишқпикан.
Оҳли, ёқут ҳаётимизга
Паноҳ сўраб ҳумо келаду.
Ҳиб борсак қанотимизга
Ақин-яқин само келаду.
Вужуд билан ишим қолмади,
Оҳ, ул дилим руҳимга пойтахт!
Қўз илғамас ишқий қулбада
Қўз ёради отроёқ, Бахт!
Озор нима--бўлурмиз зор-зор,
Фироқ, надир--йироқ-йироқ йўл.
Бу дунёси бизга келур тор,
Кетажакмиз севига мўл-қўл.
Оҳ орқали тоғурмиз паноҳ,
Юрак зил-зил, сохта хандалар.
Бу шундайин бебаҳо фано,
Ишқдан ўлар ишқсиз бандалар!

Аъзам ОБИДОВ,
филология факультети, 5-курс.

ОРЗУ

Ёмирлардек синиб кетаман,
Лек майсадек унмасман қайтиб.
Ё шудриндек кўкка инаман
Лек ёнинга тушмасман қайтиб.
Ҳиб кетсам ёки турнадек,
Қалолмайсан мени қайтариб.
Йўлларимни пойлаб турмагин,
Ғапим йўқдир сенга айтармик.
Ва ё мен синиб оловга,
Қўйдириб ўтаман танангни.
Ё сўзмай қаласан азхордай,
Қузга бериб кетгур хонамни.
Сен ё бир кун ёзини ортидан,
Қиш келгани сўзмай қаласан.
Севини келар мени қайтадан,
Ёмирлардан илаб қаласан.

МЕН БЭЗДИМ...

Мен бэздим ўз муҳаббатимдан,
Руҳим теғрасида қовжифар яғроқ.
Алло негун зинҳор кетмайдн нафи,
Айбин сўрайверар йилламсиб пуноҳ?
Мен бэздим ўз садоқатимдан,
Шор бағримга яширинди хотир..
Хиёнатнинг этағини тугтиб,
Юрагимдан қон оқайтир.

Шахло ТОШБЕКОВА,
филология факультети, 5-курс.

Қўриб келдим ўзимни ҳозир,
Қабристоннинг ҳов ёккаста.
Ёзиб қўйдим қафра қон билан,
Лой қабрини тош лавҳасига:
"Бунда ётар бир бенаво қалб,
Руҳи уйиб кетган марҳумга,
Ўтганда шу қабр ёнидан
Ақини бир қалма ишқнома.
Шор дунёнинг зор, овораси,
Шилаб, тоғмай ўтди кенгликни.
Баҳсо этди гайри дунёда
Ҳайратомуз бандайликни..."
Қўрдим..
Онажоним! Ўсон онам!
Бир жонимга минг бир озор-а!
Онам қўрди. Уйлади узоқ,
Шифриқку деб ўйлар бевора.
Ўсимжип.
Эрдан тугтиб эдим,
Шилсиз эрқдай яшадим ўтдим.
Қўриб келдим ўзимни ҳозир,
Ўсанозага келмади ҳеё ким..

Дилфуза КОМИЛОВА,
Филология факультети, 5-курс толибаси.

РАНГЛИ ПАХТА МЎЪЖИЗАЛАРИ

Биз пахтазорларда дуч келганимизда “барака” деб аташга ўрганиб қолган кўп чаноқли рангли пахта одатдагидек оқ эмас, балки оч-малларанг ёки кирчил оқ рангда бўлади. Чаноқлари йигирматагача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Бироқ унинг фазилати биргина рангида ёки чаноғининг кўплигида эмас. Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, у бир талай чинакам мўъжизавий хусусиятларга эга. Мана унинг оддий оқ пахтадан устун жиҳатлари қанча:

Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, рангли пахта:

— *толасидан тўқилган газламалар ультра бинафша нурларини ўтказмайди;*

— *шу туфайли ракета қурилмалари учун ўзига хос кўринмас қалпоқча вазифасини ўтовчи мослама сифатида ишлатилади;*

— *ундан ишланган материаллар бактериялар кўпайишига йўл бермайди;*

— *хусусан, стрептококк, стафилококк, сальмонелла каби йирингли яллиғланиш, ўткир ичак хасталиги ва бошқа касалликларни келтириб чиқарувчи бактерияларнинг ривожланишини тўхтатиб қолади;*

— *агар ширинча касалига йўлиққан гўдакни шунақа матодан тикилган йўргакка*

ўрасангиз, тамом — касаллик ўз-ўзидан орқага чекинади;

— *шифокорларнинг, умуман, ҳар қандай бемор ёки ярадорнинг кийими шундай матодан тикилиши мумкин;*

— *қандайдир даражада рангли пахта матоси радиациядан ҳимояланиш воситаси ҳамдир;*

— *офтобда ўнгамайди, ювганда бузилмайди;*

— *чидамли ва ҳоказо.*

Кўп чаноқли рангли пахтани текшириш ишлари собиқ Иттифоқ даврида ҳам олиб борилган. Ўша даврда бу ишларнинг бошида ашхободлик олим Виктор Фурсов турган эди. У деярли ярим асрлик машаққатлари натижасида “барака” чаноғининг барча сирларини очиб берди.

Ўз изланишларини “халқ академиги” Лысенко давридаёқ бошлаган Фурсов оз-оздан жуда бой коллекция йиққан. У бошчилигида пахтанинг

*кўк,
қизил-кўнгир,
сарғиш ва
жигарранг*

навлари яратилган. Айни вақтда ушбу хом ашё-

ни қайта ишлашнинг мутлақо янги технологияси ҳам жорий этилган. Чунки рангли тола таркиби одатдагисидан фарқ қилиб, унда бир талай

— *тери ишловчи моддалар мавжуд,*

— *шу сабабли тола жуда нозик ва синувчан.*

— *Бироқ унинг бу қадар эъзозланишига айнан бактерияларни йўқотишга қодир бўлган таркибидаги моддаларнинг хизмати беқиёс.*

Рангли пахтанинг яна бир афзаллиги

— *у ҳеч қанақа кимёвий ишлов беришга муҳтож эмас,*

— *вақти келиши билан барглари ўз-ўзидан тўкилиб кетади.*

Унинг хусусиятларини оммадан сир тутиш даври ҳам Шўро тузуми билан бирга барҳам топди. 1992 йилда Москвада рангли пахтани таништириш маросими бўлиб ўтди. Бу эса собиқ Иттифоқнинг қурол ишлаб чиқаришдан бошқа соҳаларда ҳам анча илгарилаб кетганини кўрсатарди. Негаки, пахта етиштириш бўйича жаҳонда шуҳрат қозongan Хитой, Ҳиндистон, Исроил ва Миср каби мамлакатлар учун ҳам рангли пахта қутилмаган тасодиф эди.

Бу соҳада ҳатто Америка ҳам ғирт оқсоқ бўлиб чиқди.

Ҳозир ҳам илгаригидек “барака” чаноғи жумбоқлари устида қанча-қанча олимлар бош қотиришмоқда. Улар орасида ўзбекистонлик олим, физика-математика фанлари номзоди Виктор Андреевич Крахмалев ҳам бор. Яқинда у рангли пахтанинг — оч жигарранг навини ўстиришга мушарраф бўлди.

Умид қиламизки, бундай ташаббускор ва фидойилар мамлакатимизда, албатта, яна топилади. Ахир пахтачилигимизнинг юқори даражада ривожланишига, саноатимиз равнақиға кўп чаноқли пахтаимизнинг ўзига хос ҳиссаси бўлиши табиий.

Тақдир тақозоси билан ушбу янгилик эгалари бўлиб қолган мустақил Туркменистоннинг қатор ташкилот ва фирмалари исталган шерик билан қўшма фаолиятнинг турли-туман усуллари бўйича фикрлашиш ҳамда маслаҳатлашишга тайёр бўлсалар-да, рангли пахтанинг бутун сирларини очишга ҳали шошилмаяптилар.

Ажабмас, бу борада бизнинг олимлар ҳам мустақил иш олиб бораётган бўлсалар.

Мақолада “Труд” газетаси маълумотларидан фойдаланилди.

Рустам ҚОБИЛ



АСКАРЛИК МАКТАБИ

“ЁШ КУЧ”НИНГ КЕЛГУСИ СОНЛАРИДА


Иккита диплом бериладиган
ўқув даргоҳи.

Насиба Абдуллаева: "Ҳаммага
бирдай ёқиб бўлмайди".

Азиз Саид. Талабалик дафтарида
— шеърий экспериментлар.

Қуръон мўъжизалари.

Мирзакаримбойнинг жияни
маданият вазирлигидан театрга
қайтди.





Келгуси йил журналимиз ҳар ойда нашр қилинади, лекин савдога чекланган миқдорда чиқарилади. Қизиқарли мақолалар, мактублар, шеър ва ҳикоялардан ташқари ҳар бир сонда ютуқли тест — лотерея бўлади. Ажаб эмаски топқирлигингиз, билимдонлигингиз сабаб компьютер, телевизор, видеомагнитофон, чет элга бепул йўлланма каби ютуқларга эга бўлсангиз. Лотерея натижалари яқунлангач ғолиблар "Ёш куч" таҳририятига чақирилиб мукофотлар тақдим этилади.

**1997 йил учун "Ёш куч"га
обуна бўлишга шошилинг.**